

21
mart



Ma'rifat

ENLIGHTENMENT XALQ ZIYOLILARI GAZETASI معرفت

1931-yildan chiqqan boshlagan • E-mail: info@marifat.uz • 2013-yil 20-mart, chorshanba № 23 (8568)

БУНЁДКОРЛИК, ОБОДЛИК ВА ФАРОВОНЛИК АЙЁМИ

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ НАВРЎ БАЙРАМИГА БАФИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Шу кунларда каттаю кичик барча юртдошларимиз бағрини кенг очиб, баҳор, яшариш ва янгиланиш рамзи бўлмиш Наврўз айёмини "Хуш келибсан ўлкамизга, Наврўзи олам!" деб, шоду хуррамлик билан кутиб олмақда.

Шу мунаввар тонгда сиз азизларни, сизларнинг тим-солингизда бутун халқимизни Наврўз айёми билан чин қалбимдан табриклаб, барчангизга ўзимнинг хурмат-эҳтиромим ва самимий тилакларимни изҳор этишдан бахтиёрман.

Қадрли юртдошлар!

"Нима учун биз Наврўзни доимо соғиниб, интизорлик билан кутамиз? Нима учун бу сана барчамиз учун энг севимли, энг ардоқлайдиган байрамимизга айланиб қолган?" деган савол берилиши табиийдир.

Бунинг сабаби, Наврўзи олам биз учун энг қадимий,

асл миллий, турли мафкура ва сиёсатлардан холи, урф-одатларимизга ва қадриятларимизга жавоб берадиган байрам, десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан.

Нега деганда, Наврўз ўз руҳи ва гоёлари билан ҳар қайси инсон она заминнинг, табиатнинг ажралмас узвий қисми эканини, табиатнинг нақадар гўзал эканини ҳис қилиб, уни эъозлаб, ҳамнафас бўлиб яшагга ундаши билан бизга қадрлидир.

Ҳар қандай ғараз, гиналар ва низолардан воз кечиб, тинч ва осойишта ҳаётнинг қадрига етиш, аҳиллик ва бирдамлик, элатлар орасида ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик нақадар бебаҳо бойлик эканини улуглаши, ўзининг даъватлари билан Наврўз байрами халқимизнинг қарашларига гоёят ҳамоҳандир.

Айни ана шундай чуқур мазмун ва маънога эга бўлгани туфайли, хосият ва файз, қут-барака ва муруват каби хусусиятларни

ўзида мужассам этиши билан кун ва тун тенг келади-ган шарқона Янги йилмизни — бу гўзал баҳор айёми-ни барчамиз орзиқиб кутамиз, эъозлаймиз, хурсандчилик билан умуммиллий байрам сифатида ўтказамиз.

Бунинг яққол тасдиғини шу кунларда юртдошларимизнинг тобора очилиб келаётган табиатдан баҳра олиб, сумалак ва ҳалим, гўжа ва кўксомса каби баҳорий неъматлар тортилган дас-турхонлар атрофида, яшил майдон ва кўкаламзорларда ўтказилаётган сайил-томошаларда, миллий кураш ва улоқ чопиш мусобақаларида кўриш ва кузатиш қийин эмас.

Айни шу бетакрор фаслда одамларимиз халқимизга мансуб бўлган, унинг ода-тига айланиб кетган қадриятлар — бир-бирига меҳроқибат кўрсатиш, беморлар, кўнгли ярим инсонларга беминнат ёрдам бериш, табаррук кексаларимизнинг

дусини олиш каби эзгу фазилатларни яққол намоеён этиб, ўз қувончи ва шодлиғини яқинлари, дўсту ёрлари, қўни-қўшнилари билан баҳам кўришга интилади.

Она Ватанимизда яшайдиган, миллати, тили ва динидан қатъи назар, барча-барча юртдошларимиз ана шундай хурсандчилик кайфиятига берилиб, Наврўзни ўз қадрдон байрамидек қабул қилади.

Мана шундай қувончли дамларда бугун халқимизга катта ҳурмат ва эҳтиром билдириб, шу гўзал майдонда Наврўз шодиёналаримизда иштирок этаётган чет мамлакатларнинг муҳтарам элчилари ва халқаро ташкилотлар вакиллари, хорижий шерик ва ҳамкорларимизни, барча азиз меҳмонларимизни сизларнинг номингиздан, бутун халқимиз номидан қутлаб, уларга миннатдорчилик билдиришга рухсат бергайсиз.

Азиз дўстларим, қадрдонларим!

Шу ёруғ лаҳзаларда мана шундай муҳташам ва файзли майдонда жамулжам бўлган сиз азизларга, сизларнинг сиймонгизда барча табаррук кексаларимиз, мунис опа-сингилларимизга, кўзлари ёниб турган, халқимизнинг таянчи ва суянчи бўлмиш навқирон ёшларимизга — менинг фарзандларимга ўзимнинг чуқур меҳрим, севги ва ҳурматимни изҳор этаман.

Барчангизни бағримга босиб, яна ва яна бир бор бугунги дилбар айём билан қутлаб, юрагимда, қалбимда бўлган самимий тилакларимни билдираман.

"Обод турмуш" деб ном олган йилмизнинг Наврўзи ҳаммамизга, барча-барча хонадонларга, оилаларга тинчлик-омонлик, бахту саодат, файзу барака келтирсин!

Орзу-ниятларимиз ушалсин, Ўзбекистонимиз янада обод ва фаровон бўлсин!

Наврўзи олам барчамизга муборак бўлсин!

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида бўлиб ўтган Наврўз байрами тантаналаридан репортаж

Қиш захридан толиққан замин баҳор насимидан энтиқади. Шарқираб оққан сувлар унга яна ҳаёт бахш этади. Дарахтлар сулув келинчақлардек бошига яшил гулчамбар такади. Қиру адирларда майсалар буй чўзади. Мусаффо осмон узра чарқлаб чиққан қуёш кўнгилларни-да ёриштириб юборади.

Бундай фараҳбахш дамларда инсон қалби беихтиёр қувончга тўлади. Шу кунларга етганига шукрона айтиб, шоду хуррамлик қилгиси келади.

Ана шу табиий эҳтиёжнинг, эзгу хоҳиш-истакнинг ҳосиласи бўлиб юртимизга Наврўз кириб келди. Шаҳару қишлоқларда, маҳаллаларда карнай-сурнай садолари янграмоқда. Кўчаларни тўлдириб бораётган одамларнинг юз-кўзларида шодумонлик. Набирасини етаклаган отахонлар, кайвони онахонлар, ўйинқароқ болакайлар, баҳордек латофатли қиз-жувонлар, оташқалб йигитлар Наврўз сайлига ошиқади...



(Давоми 2—3-бетларда.)

БУНЁДКОРЛИК, ОБОДЛИК

(Давоми. Боши 1-бетда.)

19 март. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи байрамога безатилган.

Бу ерга сенаторлар ва депутатлар, ҳукумат аъзолари, фан, маданият, санъат, спорт намояндалари, ишлаб чиқариш илгорлари, тадбиркорлар, муҳтарам отахону онахонлар, турли соҳаларда меҳнат қилаётган юрдошларимиз, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатлар элчилари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналарининг вакиллари ташриф бўюрган.

Соат 10:30. Майдонга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов кириб келади.

Байрам тантанасига ҳозир бўлганлар давлатимиз раҳбарини қарсақлар билан кутиб олади.

Чорлов мусиқаси янграйди.

Сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга берилади.

Давлатимиз раҳбари халқимизни Наврўз байрами билан муборакбод этади.

Муаззам майдон атрофида турфа ранглардаги байроқчалар ҳилпирайди. Саҳна теграсида ўрнатилган

маҳаллани янада обод ва кўркем этган ҳолда кутиб олиш борасида кенгашади.

Наврўз ободлик, орасталик, меҳр-оқибат, хайру саховат айёмидир. Халқимиз бу йил ҳам Йилбошини ана шу эзгу тамойилларга мувофиқ кутиб олмоқда. Баҳорнинг дастлабки кунларидан юртимизда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари авжга чиқди. Умумхалқ ҳашари ташкил этилиб, маҳаллалар, кўчалар, аҳоли тураржойлари ободонлаштирилди, ариқ-зувурлар тозаланди, зиёратгоҳ, қабристон ҳамда муқаддас қадамжолар тартибга келтирилди, мевали ва манзарали дарахтлар, гул кўчатлари ўтказилди.

Байрам кунларида сергайрат ёшлар, қўли очик тадбиркорлар кўмакка муҳтожларга беминнат ёрдам берди. Беморларнинг ҳолидан хабар олинди. Қўни-қўшнилари бир-бирларига Наврўзнинг таниқ таомларини илдинди.

Кўпчилиكنинг хайрати ва ҳавасини уйғотадиган, юртимиздаги барча маҳаллада қарор толган бундай ҳамжихатлик муҳити Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида маҳалла институтини ривожлантириш бора-сида амалга оширилаётган

ижросидаги бахтиёр болаликни, мустақил юрт фарзандларининг беғубор ва кувноқ ҳаётини тараннум этувчи жарангдор куй-қўшиқлар, жозибдор рақслар барчага завқ-шавқ бағишлайди...

Халқимиз азал-азалдан фарзандлар бахту иқболини ўйлаб, эзгу орзулар билан яшайди. Наврўз кунларида фарзандларига атаб, уларнинг бахтли ва фаровон келажagini ўйлаб ниҳол экиб, боғ яратади.

Президентимиз таъкидлаганидек, ниманики ўз олдимишга мақсад қилиб қўймайлик, қандай буюк ишларни амалга оширишга интирмайлик, барча олижаноб ҳаракатларимизнинг негизини, барча эзгу ниятларимизнинг замирида фарзандларимизни ҳам жисмонан, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом қилиб ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажagini кўриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш орзуси мужассамдир.

Бу соҳада амалга оширилаётган ишлар самараси ўғил-қизларимизнинг соғлом ва баркамоллигида намоён бўлмоқда. Таълим тизимининг умумий ўрта, ўрта махсус ҳамда олиё таълим тизимидан иборат барча босқичида зamonaviy bilim va kasb-hunarlarни пухта эгаллаган, чет тилларида эркин сўзлашадиган, жисмонан чиниққан, эътиқоди мустаҳкам авлод voyaga етмоқда.

Бу Франциядаги "Инссад" халқаро бизнес мактаби томонидан Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти билан ҳамкорликда тайёрланган "Инновацияларнинг глобал индекси" маърузасида ҳам ўз ифодасини топти. Инновацион ривожланиш комплекс тарзда таҳлил қилинган ушбу маърузада Ўзбекистон 141 мамлакат орасида инсон капиталини ривожлантириш даражаси бўйича 35-ўринни, таълим тизимини ривожлантириш даражаси бўйича эса 2-ўринни эгаллади.

Ёшларимиз энг нуфузли танловларда, Олимпиада ва жаҳон чемпионатларида ҳеч кимдан кам эмаслигини исботламоқда. 2012 йилда футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар ва ёшлар терма жамоалари Осиё чемпионатида муваффақиятли иштирок этиб, жаҳон чемпионатига йўлланма олди.

Мустақиллигимизнинг 21 йиллиги арафасида пойтахтимизда куриб битказилган "Бунёдкор" спорт комплекси мамлакатимиз спорти ҳаётида, қолаверса, Ўзбекистон тарихидаги катта воқеа бўлди. Халқаро футбол уюшмалари федерацияси — ФИФА томонидан Ўзбекистон футбол федерациясининг "Fair Play" (ҳалол



ўйин) соврини билан тақдирлангани Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда футболни ривожлантиришга қаратилаётган юксак эътиборнинг халқаро миқёсдаги яна бир эътирофи бўлди.

Тинч-осойишта элда хурсандчилик, тўй-томоша бўлади, ҳаловатли халққа байрамлар ярашади. Мамлакатимизда олиб борилаётган оқилона сиёсат самарасида осмонимиз мусаффо, тинчлик-барқарорлигимиз мустаҳкам, турли миллат ва элат вакиллари ягона оила фарзандларидек аҳил ҳаёт кечирмоқда.

Бир кун жанжал чиққан жойдан қирқ кун барака кўтарилади, дейди халқимиз. Дунёнинг турли минтақаларида юз бераётган нотинчликларни, таназуулни кўриб, ушбу нақл ҳикмати янада чуқурроқ англаймиз. Шундай тинч, осуда, фаровон юртда яшаётганимизга шукроналар айтамыз.

Тинчлик барқарор юртда кут-барака, ривожланиш бўлади. Буни глобал молиявий-иқтисодий инқироз ҳамон давом этаётган бугунги шароитда мамлакатимиз иқтисодиёти барқарор суръатларда ривожланаётганида ҳам кўриш мумкин. Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар самарасида 2012 йилда Ўзбекистон аҳоли турмуш даражасини изчил юксалтиришни таъминлади, дунё бозоридаги ўз позициясини мустаҳкамлади. Мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти 8,2 фоизга ўсди. Аҳоли даромадлари миқдори 17,5 фоизга кўпайди.

Янги иш жойлари ташкил этиш, айниқса, ёшларни ва хотин-қизларни иш билан таъминлашга қаратилаётган эътибор натижасида аҳоли турмуш даражаси юксалиб бормоқда. Ўтган йилда ушбу мақсадга қаратилган комплекс чора-тадбирлар дастурини амалга ошириш ҳисобидан қарий бир миллион янги иш ўрни ташкил этилди.

Аҳоли бандлигини таъминлаш бундан буён ҳам энг устувор йўналишлардан

бири бўлиб қолади. Хусусан, жорий йилда 970 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилади. Бу оилалар фаровонлигини, маҳаллалар ободлигини, ёшларнинг ўзига бўлган ишончини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Бу борада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси алоҳида ўрин тутади. Бугунги кунда ушбу сектор жамиятимиздаги иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий барқарорлиكنинг муҳим омилга, юртимизни тараққиёт йўлидан фаол ҳаракатлантирадиган кучга айланиб бормоқда. Соҳа вакиллари халқимиз фаровонлиги, дастурхонимиз тўқинлиги, иқтисодиётимизнинг жадал ривожланишига муносиб ҳисса қўшаётир.

Бу жиҳатлар 2012 йил 14 сентябрь кўни Тошкентда бўлиб ўтган «Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлиكنинг роли ва аҳамияти» мавзудаги халқаро конференцияда хорижий ишбилармонлар, етакчи экспертлар томонидан ҳам эътироф этилди.

Янгиланиш — нафақат табиатга, балки жамият ҳаётига ҳам хос жараён. Наврўз арафасида янги уй-жойлар, корхоналар, тиббиёт ва ўқув муассасалари, хизмат кўрсатиш шохобчалари фойдаланишга топширилади. Бу иншоотлар Ватанимиз чиройли чирой қўшиш билан бирга, юрдошларимизнинг турмуш тарзини янада яхшилашга хизмат қилади.

Наврўздан Наврўзгача мамлакатимиз иқтисодий-ижтимоий ҳаётида улкан ишлар амалга оширилди. Йиллик ишлаб чиқариш объекллари ишга туширилди.

Самарқанд вилоятида Германиянинг "МАН" компанияси билан ҳамкорликда юк автомобили ишлаб чиқариладиган янги комплексни бунёд этишнинг иккинчи босқичи якунланди. Сурғил кони базасида дунё мезонлари бўйича ҳам ноёб бўлган Устюрт газ-кимё комплекси қурилиши бошланди. Қашқадарё вилояти-



сўрилар, қўшайвонлар халқимизнинг обод ва файзли хонадонларини эслатади. Оҳиста айланаётган чархпалак бу манзилларга ободлик ва фаровонлик белгиси — обиҳаёт олиб келади. Ҳар бир юрдошимизга таниш, кўнгилга яқин бундай файзли манзара қалбларга кўтаринлик бағишлайди.

Фусункор майдон узра борлик уйғонши, янги кунни мадҳ этувчи наво таралади. Саррин куй оғушида улкан мониторларда юртимиз манзаралари — ям-яшил боғлар, бепоён далалар, зamonaviy иншоотлар, қадимий обидалар, бунёдкор замондошларимиз қиёфаси намоён бўлади.

Майдонга Обод турмуш маҳалласи фаоллари чиқиб келади. Наврўз байрамини аҳиллик ва ҳамжихатликда,

изчил ишлар самараларини дандир.

Мустақиллик йилларида маҳалла ҳаёти билан боғлиқ кўплаб қадриятлар, удум ва анъаналаримиз қайта тикланиб, замон талаблари асосида бойиб бормоқда. Маҳалла идорасининг ҳуқуқ ва ваколатлари тобора кенгайтирилмоқда. Бу фуқаролик жамиятини шакллантириш, оила институтини мустаҳкамлаш, тадбиркорлиكنи ривожлантириш, аҳолини манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш, жамоатчилик назорати ва ижтимоий шериклиكنи кучайтириш, пировардида, ҳаётимизни янада обод қилишда муҳим аҳамият касб этаётир.

...Саҳнага — майдонга жажжи болакайлар кириб келади, ҳар тараф шўх-шодон кулгуга тўлади. Улар

ВА ФАРОВОНЛИК АЙЁМИ

да Жанубий Африканинг "Сасол" компанияси ва Малайзиянинг "Петронас" корпорацияси билан ҳамкорликда синтетик суюқ ёқилги ишлаб чиқариш бўйича йirik лойиҳани амалга оширишга киришилди.

"Навоий" эркин индустриал-иктисодий зонаси ташкил этилганидан буён бу ерда 12та корхона курилиб, фойдаланишга топширилди. 2012 йилда улар томонидан қарийб 80 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. "Ангрен" махсус индустриал зонаси ҳудудда қиймати 186 миллион долларлик 8 инвестиция лойиҳаси амалга оширилмоқда.

2012 йилда Ўзбекистонда барча қишлоқ хўжалиги экинлари — галла, пахта, сабзавот, полиз экинлари ва узумдан юқори ҳосил олинди. 7 миллион 500 минг тонна галла, 3 миллион 460 минг тоннадан ортик пахта, 2 миллион тоннадан зиёд картошка ва 9 миллион тоннадан ортик сабзавот ҳамда полиз маҳсулотлари етиштирилди.

Қишлоқ хўжалигида бозор муносабатларининг ривожлантирилаётгани, фермерлик ҳаракати кенг имкониётлар берилаётгани

Ўзбекистон ҳар томонлама жадал ривожланмоқда. Буни мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик кўлами йилдан-йилга кенгайиб, ўзаро товар айирбошлаш ҳажми тобора ошиб бораётганида ҳам кўриш мумкин. Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари бундан кейин ҳам изчил тараққий этаверишига ишонаман. Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон халқини Наврўз айёми билан чин қалбимдан муборакбод этаман, тинчлик, бахт-саодат тилайман!

— Наврўз — ўзига хос ноёб, ажойиб байрам, — дейди Франция Республикасининг Ўзбекистондаги Фавкулда ва мухтор элчиси Франсуа Готье. — Бу байрам барчага қувонч улашади, ҳамжихатлик, меҳроқибатни мустаҳкамлайди. Биз ҳам бу шодиёнада иштирок этиб, давлат ва жамоат арбоблари, хорижлик меҳмонлар, ҳамкасбларимиз билан дийдор кўришамиз, байрам дастурини катта қувонч билан мириқиб томоша қиламиз. Байрам тантанасидаги кўтаринки руҳ, одamlar юз-кўзидagi қувонч ва шодлик юртингиздаги тўкинлик, фаровонлик,

маънавий меросимизни кенг тарғиб этиш, санъатнинг турли йўналишларида фойдаланишга имкониятларни кўллаб-қувватлашга хизмат қилаётди.

«Art Week Style.uz — 2012» санъат ҳафталиги ҳам ўзига хос маданият ва санъат байрамига айланди. Ҳафталик доирасида ўтказилган «Олтин Гепард» иккинчи халқаро Тошкент кинофоруми, «Theatre.UZ/2012» халқаро театр фестивали, VI халқаро Тошкент фотобиеннаlesi каби йirik лойиҳаларда мусиқа, кино, театр, фотография, тасвирий санъат, дизайнлик, мода, меъморлик каби кўплаб соҳа ва йўналишлардаги ютуқлар намойиш этилди.

2012 йилда Конституция-миз қабул қилинганнинг 20 йиллигини нишонладик.

Обод турмуш йили арафасида давлатимиз раҳбари Ислам Каримов госяи ва ташаббуси асосида пойтахтимизнинг Алишер Навоий кўчасида бунёд этилган кўпқаватли замонавий уйлар фойдаланишга топширилди. Бу шаҳарнинг меъморий қиёфасини янгиллаб, бошқа иншоотлар билан уйғунлик касб этди. Пойтахтимизни замонавий шаҳарсозлик талаблари асосида режали ривожлантиришга қаратилган бундай изчил ишлар самарасида Тошкент дунёдаги экологик жиҳатдан тоза ва кўркам қиёфага эга етакчи пойтахт шаҳарлар қаторидан жой олмоқда. 2012 йилда Буюк Британиянинг нуфузли "Economist Intelligence Unit" (EIU) компанияси эълон қилган рейтингда Тошкент дунёнинг яшаш қулай бўлган шаҳарлари орасида қайд этилгани бунинг далилидир.

Президентимиз Ислам Каримов таклифига биноан Обод турмуш йили, деб эълон қилинган жорий йилда мамлакатимиз қиёфасини тубдан ўзгартириш, шаҳар ва қишлоқларимизда замонавий архитектура талаблари асосида уй-жойлар, ижтимоий объектлар барпо этиш, аҳолига муносиб турмуш шароитларини яратиш борасидаги бундай ишлар янада кенг кўламли касб этмоқда.

"Обод турмуш йили" Давлат дастурига мувофиқ қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида барпо этилаётган 10 мингта яқка тартибдаги замонавий уй-жой қишлоқларимиз қиёфасини яшилаш, одamlarнинг турмуш маданиятини оширишга хизмат қилади.

Бундай юксалишлар юрдошларимизнинг онгу тафаккури ва дунёқарашини ҳам ўзгартирмоқда. Одамлар бугунги ҳаётдан мамнун бўлиб, келажакка катта ишонч билан яшамоқда.

Каттаю кичикнинг ҳаётга, меҳнатга муносабати ўзгариб, сиёсий ва ҳуқуқий маданияти тобора юксалиб бормоқда.

— Наврўз тантаналарини томоша қилар эканман, Юртбошимиз раҳнамолигида мустақиллик йилларида мамлакатимиз ҳар томонлама ривожланганига, одамларимизнинг турмуш даражаси ўсиб, дунёқарашини ўзгартириб бораётганига яна бир бор амин бўлдим, — дейди Фарғона вилояти Бешариқ туманида яшовчи меҳнат фахрийси Комилабиби Худойназарова. — Мисли кўрилмаган бу ютуқлар, бу ўзгаришлар мана шу тантаналар шуқуҳида, юрдошларимизнинг қувончида ҳам яққол кўриниб турибди. Шундай дорилоним кунларга етганимизга шуқронлар айтамин. Илоҳим, юртимиз тинч, ҳаётимиз обод, халқимиз фаровон бўлсин.

Бахтли яшашнинг омилларидан бири саломатликдир. Замонавий шифо масканлари бунёд этиш, тиббий хизмат сифатини ошириш, касалликларнинг олдини олиш, аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш, репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш, болалар спортини ривожлантириш каби йўналишларда амалга оширилаётган ишлар жалқимизнинг ана шундай бахтли ҳаёт кечиршини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик марказида замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозланган, юрак-қон томир касалликларига чалинган беморларга жаҳон стандартлари даражасида диагноз қўйиш ва уларни даволаш имконини берадиган Кардиожарроҳлик мажмуасининг очилиши аҳоли саломатлигини сақлашга қаратилаётган эътиборнинг яна бир ифодаси бўлди.

Жорий йилда ҳам обод турмушнинг муҳим шартли сифатида инсон саломатли-

гини мустаҳкамлаш, бунинг учун соғлиқни сақлаш тизимини замонавий даволаш воситалари, техника ва технологиялар билан таъминлаш, касалликларнинг олдини олиш ишларини янада кучайтириш масалалари устувор вазифа бўлиб қолади.

...Сумалак — минг дардга даво тансиқ таом. Кўпчиликнинг меҳридан, бирдамлик ва аҳилликдан тотли бўлган неъмат. Халқимиз ҳар йили баҳорда дошқозонларда сумалак пиширади. Кўни-қўшни, маҳалла-қўйга тарқатади. Бу танларга қувват, руҳга тиниқлик бағишлайди. Ўзаро меҳроқибатни мустаҳкамлайди.

Ўзбекистонимизнинг бош саҳнасига сумалак тайёрлашни ана шундай миллий қадриятларимизни, эзгу интилишларни ифодалайди. Шўх-шодон болакайлар "Сумалак" қўшигини ижро этади.

Санъат усталари, эстрада юлдузлари, ёш хонандалар ўзларининг янги куй-қўшиқларини, рақсларини ижро этадилар.

Майдон узра таралган муסיқий оҳанглр, ҳофизлар хонишида Наврўз, Ватан, жамиятимиздаги бунёдкорлик муҳити, ёшлик, севги ва вафо таранум этилади...

Миллий богда ташкил этилган халқ хўнарамандлари кўргазмасида намойиш этилаётган маҳсулотлар бунёдкор, меҳнатсевар халқимизнинг бой маданий мероси ва юксак санъатининг ифодаси сифатида кўнгилда фахр уйғотади.

Қиру адирларда, дашту далаларда, кўча ва хиёбонларда дилларни эркалаб баҳор сабоси таралмоқда, борлиқни уйғотувчи Наврўз навоси янграмоқда.

Мамлакатимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида Наврўз сайиллари, байрам шодиёналари давом этмоқда.

Анвар САМАДОВ,
ЎЗА мухбири
С.ЎРМОНОВ,
А.АБДУЛЛАЕВ (ЎЗА)
олган суратлар.



бундай юксак натижаларни кўлга киритишда муҳим омил бўлмоқда.

Хизматларнинг юқори технологияларга асосланган ва бозор иқтисодиётига хос турлари жадал ривожланмоқда. Жумладан, 2012 йилда алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари 24,5 фоизга, компьютер дастурлаш хизматлари 18 фоизга, технологик асбоб-ускуналарни таъмирлаш ва уларга хизмат кўрсатиш 17 фоизга, молия-банк хизматлари 17,6 фоизга ўсди.

— Ўзбекистонда баҳор байрами — Наврўзни тўртинчи марта кутиб олаётганимдан мамнунман, — дейди Корея Республикасининг мамлакатимиздаги Фавкулда ва мухтор элчиси Чон Дэ Ван. — Ҳар йили ушбу айёмда тайёрланадиган сумалакни бажонидил тановул қиламан. Президент Ислам Каримов раҳнамолигида



Yangiliklarda yurt nafasi



Навоий шахридаги Ёшлар марказида меҳнат билан банд бўлмаган аҳоли ва битирувчи ёшлар учун бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил этилди.

Унда 98 корхона, ташкилот ва муассаса 387 бўш иш ўрни билан иштирок этди.

— “Обод турмуш йили” Давлат дастурига мувофиқ жорий йилда ўтказиладиган ана шундай меҳнат ярмаркаларининг тўрттаси бевосита касб-хунар коллежларида ташкил этилади, — дейди Навоий шаҳар бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази директори Раҳим Элмуродов. — Мазкур ярмаркаларда аҳоли, коллеж битирувчилари ҳамда маҳаллалардаги ёшлар бандлигини таъминлаш кўзда тутилган. Бугунги тадбирда 156 нафар ёшлар ишга жойлашиш учун йўлланма олди.

— Навоий техника иқтисодиёт касб-хунар коллежини тамомлаганман, — дейди ярмарка иштирокчиси Абдулла Ражабов. — Ўзимга муносиб иш топиш мақсадида бўш иш ўринлари ярмаркасига келиб, орзум ушалди. Вилоят кутубхонасида ишлаш учун йўлланма олдим. Бундан жуда хурсандман.

Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўرғазмалар залида “Наврўз” деб номланган аънавий кўрғазма ташкил этилди.

Кўрғазмага турли вазирилик ва идоралар, жамоат ташкилотларининг вакиллари, санъатшунослар, мусаввирлар, хунармандлар, талаба-ёшлар тақлиф этилди.

Яшариш ва янгиланиш айёми — Наврўзи олам касбу кори, миллати, тили ва динидан қатъи назар, барча юртдошларимизнинг энг ардоқли, катта хурсандчилиги билан ўтказиладиган севимли байрамларидандир. Ҳамюртларимиз қалбига ёруғлик, шукроналик, ишонч бахш этувчи, меҳр-оқибат, мурувват ва саховатга уддовчи ушбу айём иждодкорлар, айниқса, мусаввирлар учун чин маънода илҳом манбаидир.

Кўрғазмадан ўрин олган икки юздан ортиқ картинада мўйқалам соҳибларининг жонаҳон Ватанимизга аҳтироми, она-табиат ва инсон ўртасидаги уйғунлик камалакранг бўёқларда, тасвирий санъатнинг турли жанр ва услубларида акс эттирилган. Бу ерда, шунингдек, ҳайкалтарошлик, амалий безак санъати намуналари ҳам томошабинлар эътиборига ҳавола этилган.

Тошкент ирригация ва мелиорация институтида 22 март — Халқроқ обихаёт кўнига бағишланган илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда тегишли давлат, жамоат ташкилотлари вакиллари, олимлар, мутахассислар ва журналистлар иштирок этди.

Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси маълумотларига кўра, мамлакатимиз аҳолиси ичимлик сув таъминотининг саксон фоизи ер ости чуқук сув манбалари ҳисобига тўғри келади. Улар захираси камайиб кетишининг олдини олиш — доимий эътиборда. Шу мақсадда республика аҳолига эга ўн бир, вилоятлардаги саккиз ер ости чуқук сув манбалари алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудуд мақоми берилган. Мамлакатимиз ирригация-дренаж тизимлари тизимли реконструкция ва модернизация қилинмоқда. Насос станциялари ва сув хўжалиги иншоотлари қайта жиҳозланиб, аграр тармоқда тежамкор услуб ва технологиялар қўлланаётир.

Илмий-амалий семинарда сув захиралари муҳофазасига оид қонунчиликни такомиллаштириш, экологик таълим ва тарғибот ишлари самарадорлигини ошириш масалаларига бағишланган матърузалар тингланди.

Самарқандда ўзбек миллий кино санъати кўнлари ўтказилди.

“Обод турмуш йили” Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида “Ўзбекино” миллий агентлиги ва Самарқанд вилояти ҳокимлиги томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда таниқли кино ва театр актёрлари, режиссёрлар, санъатшунослар қатнашди.

Фестиваль доирасида вилоятдаги кинотеатрларда кейинги йилларда суратга олинган “Матонат”, “Тубанлик”, “Армонли дунё”, “Жигарбандим” каби ўнга яқин миллий кинофильмлар намойиш этилди. Фильмлар иждодкорлари билан учрашувлар ўтказилди.

Самарқанд шаҳридаги “Шарқ юлдузи” кинотеатрида ўтказилган тадбирда кейинги йилларда мамлакатимизда кино санъатининг ривожланиб бораётгани, халқимиз маънавияти, миллий аънава ва қадриятларимизга мос фильмлар яратилаётгани қайд этилди.

Ўза ва махсус мухбирларимиз йўллаган материаллар асосида тайёрланди.

Асрий аънавалар намойиши

Ўтган шанба ва ақшанба кўнлари Наврўз байрами муносабати билан ўтказилган умумхалқ хайрия ҳашари халқ таълими муассасаларида ҳам кўтаринки руҳда ташкил этилди.

Тадбирда иштирок этган 1968872 нафар киши 3392,2 гектар майдонни ободонлаштиришга ҳисса қўшди. 2 миллион тупдан зиёд даррахт ва буталарга шакл берилиб, минглаб манзарали ва мевали даррахт кўчатлари ўтказилди, гуллар экилди. Ариқлар тозаланиб, аҳоли пунктлари 4882 тонна маиший ва қурилиш чикиндилари-дан халос қилинди. Жумладан, пойтахтимизда жойлашган 161-мактабга таълим муассасасида ҳам тозалик-озодлик ишлари бажариб, мўъжазгина ҳовлига атиргул, арча кўчатлари ўтказилди.

Сурхондарё вилоят халқ таълими бошқармасидан олинган маълумотларга кўра, ҳашарда 360105 нафар киши фаоллик кўрсатган. Шундан 241 минг нафари ёшлар экани қувонарлидир.



Халқ таълими вазирлиги ахборот хизмати

2013-yil — Obod turmush yili

Мустақиллигимизнинг 22 йиллиги муносабати билан ҳар бир таълим муассасасида 22 тупдан мевали ва манзарали даррахт кўчатлари экилди. Вилоят марказига яқин туманларда йўл четларига мавсумий гуллар экилиб, парварош қилишга масъул шахслар тайинланди.

— Хайрия ҳашари муносабати билан мактабимиз атрофида кенг кўламда кўкчамзорлаштириш ишлари олиб борилди, — дейди Шовот туманидаги 21-мактаб директори Ойимжон Йўлдошова. — 55 нафар ходим ва 500 нафар ўқувчи кучи билан 200дан зиёд даррахт, 100 дона гул кўчати ўтказилди. Янги гулзор барпо этдик. Ўқув максадида кўп йиллар меҳнат қилган, бугун кексалик гаштини сураётган фахрий ўқувчилар — Қўзвой Наврўзов, Ражаббой Курбонов, Фароғат Абдуллаева, Ровияжон Каримова ҳолидан хабар олди. Хайрия ҳашари «Сумалак сайли»га улашиб кетди.

Андижон халқ таълими бошқармаси тасарруфидоги «Боғишамол», «Нодирабегим» ва «Дилқушод» номли боғ ва оромгоҳлар ободонлаштирилиб, даррахтларга шакл берилиб оқланди, янги кўчатлар экилди. Асака тумани «Шарқ ҳақиқати» массивида хорижий технологиялар асосида 10 гектар майдонда барпо этилган интенсив боғ ҳам кўркам қиёфага келтирилди.

Жиззах вилоятида ҳашар кўнлари ёрдамга муҳтож, ёлғиз яшовчи ва кам таъминланган оилаларнинг уйлари таъмирлаш, ҳовли ва томорқаларини тартибга келтириш ёрдам кўрсатилди. Вилоят бўйича 2000дан кўпроқ шундай фуқаролар меҳр-мурувват кўрсатган мактаб, коллеж, лицей ўқувчилари ҳамда маҳалла фаоллари-га миннатдорлик билдиришди.

Иждодкор ўқитувчилар сараланди

Қарши шаҳридаги 10-умумтаълим мактабида кимё фанидан «Илгинг энг яхши фан ўқитувчиси — 2013» кўриқтанловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Тадбирда туман босқичида голибфани кўлга киритган 14 нафар фан ўқитувчиси ёзма иш, суҳбат, компьютер, дарслик, қўшимча адабиётлар ва интернетдан фойдаланиб дарс ишланмаси яратиш, нотаниш синфда дарс ўқиш каби шартлар бўйича ўз билимларини синовдан ўтказди.

Холис ва муросасиз ўтган

Ko'rik-tanlov

беллашувда Шахрисабз туманидаги 102-мактабнинг кимё фани ўқитувчиси Мухайё Шодиқлова 1-ўринни эгаллаб, танловнинг республика босқичига йўлланма кўлга киритди.

— Ташаббускор ва иждодкор ўқитувчиларни саралаш, қобили-

яти ва касбий маҳоратининг рўйбга чиқишига кўмаклашиш, илгор тажрибаларни оммалаштириш танловнинг бош мақсади-дир, — дейди вилоят халқ таълими бошқармаси табиий фанлар методисти Севин Очилов. — Иштирокчи ўқитувчилар ўзаро тажриба алмашиш, ҳамкасбларининг ўзига хос услубларини фаолиятида қўллаш имконига ҳам эга бўлишди.

Ўқтам МЕЙЛИЕВ,
«Ma'rifat» мухбири

Ассалом наврўзим, ёшлик баҳорим!

Тошкент радиотехника касб-хунар коллежида Республика Маънавият тарғибот маркази Юнусобод тумани бўлими ҳамкорлигида “Балли, ёшлар!” беллашув бўлиб ўтди.

“Ассалом Наврўзим, ёшлик баҳорим!” шiori остида ўтказилган ушбу байрам тадбирида тумандаги махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари ўзаро беллашди.

Беллашув жараёнида ўқувчилар байрам дастурхони бегази сумалак, ҳалим, кўксомса каби баёнлари таомларининг келиб чиқиш тарихи ва тайёрланиш тартиби ҳусусида алоҳида тўхталиб ўтдилар.

— Ўқувчиларда Ватанга бўлган меҳр-муҳаббат ва садоқат ҳиссини янада ривожлантириш мақ-

садида ташкил этилган мазкур беллашувда иштирокчиларнинг миллий урф-одатлар, халқ оғзаки ижоди ҳамда аънаваларимизни таранум этувчи сахна кўринишлари томошабинларда катта таассурот қолдирди, — дейди Республика Маънавият тарғибот маркази Юнусобод тумани бўлими раҳбари Нигора Абдурахимова. — Айниқса, беллашув шартларидаги лапар айтиш, соч турмаклари ҳамда турли кўнгилочар ўйин ва бадий чиқишлар байрам тадбирининг янада қизиқарли ўтишини таъминлади.

Байрам тадбири сўнгида беллашувда голиб қўлган жамоалар ва иктидорли ёшларга махсус эсдалик совғалари топширилди.

Х. МҮМИНОВ

Байрам бахтиёрлик улашди

Баҳор. Бугун юртимизнинг қай гўшасига борманг, ушбу янгиланиш ва яшариш фаслининг беқиёс тароватини ҳис қиласиз. Наврўзи олам олиб келган жўшқинлик эса қалблардан тортиб кўча-кўй, маҳаллаю гузарларни байрамона шукуҳга, ажиб нафосатга чуллаган.



Бурхон РИЗОҚУЛОВ олган сурат.

Асрий аънаваларимизни, миллий урф-одатларимизни ўзида акс эттирган ушбу байрам, айниқса, таълим муассасаларида кенг нишонланмоқда.

Олмазор туманидаги 119-мактабда «Наврўз — тинчлик, яхшилик ва меҳр-оқибат тимсоли» деб номланган байрам тадбири ҳар йилгидан-да кўтаринки руҳда ўтди. Кўклам, гўзаллик, она Ватанга муҳаббат мавзуларида ижро этилган куй-қўшиқлар, айтилган шеър лапарлар йиғиланларга баҳорий кайфият улашди. Тадбирда сўзга чиққанлар юртимиздаги тинчлик ва хотиржамлик, ёш авлод камоли йўлида яратилган шарт-шароитлар ва буларнинг меваси ўлароқ эришилаётган ютуқларни эътироф эттишти.

Дилшод КАРИМОВ

«ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЗАМОНИ КЕЛДИ!»

Президентимизнинг ушбу гапи барчамизни рухлантириб юборди

Баҳор — жўшқинлик фасли, уйғо-ниш айёми. Мустақил диёримизда азалдан Наврўз байрами йилнинг бошланиши, дея эътироф этилган ва алоҳида эътибор қаратилган. Шу кун элу юртга дастурхон ёзилиб, кўклар таомлари билан безатилади. Сайиллар уюштирилиб, кураш, арқон тортиш, чиллагу улоқ каби мусобақалар ўтказилади.

Юртимизда яна бир ажойиб анъана бор. Истиклолга эришилгач, муҳтарам Юртбошимиз раҳнамолигида эртанги кунимизнинг эгалари бўлган болаларимиз спорт билан шуғулланишга оммавий таразда жалб этилмоқда. Бунинг учун шаҳару қишлоқларимизда бир-бирдан кўркам, замонавий, барча қулайликларга эга муҳташам спорт мажмуалари қуриб фойдаланишга топширилади.

Ёш авлод вакиллари учун яратиб берилган юксак имкониятлардан самарали фойдаланиб, баланд марраларни забт этиш асосий мақсад эканини чуқур ҳис этган ҳолда, мактабимизда спорт ва жисмоний тарбияга ўзгача муносабат билан ёндашамиз. Ёшлар қалбидagi ватанпарварлик туйғусини янада кучайтириш, аждодлар

маънавий дунёси сув ичган маданий меросларимиз — миллий ўйинларимиздан бохабар этиб бориш жисмоний тарбия ўқитувчиларининг эзгу мақсадига айланган. Бундан ташқари, сузиш, қувноқ стартирлар, шахмат, шашка, енгил атлетика, футбол мусобақаларини ташкил этиш ҳам гоётада муҳим, албатта. Бу эса, ўз навбатида, болаларнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб улғайишлари билан бирга спорт мусобақаларининг юқори савияда ўтишини ҳам таъминламоқда.

Шу йилнинг 15 март куни Оқсаройда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Хомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилишида Президентимиз Ислам Каримов сўнги 10 йил ичида ёшларимизнинг халқаро майдонларда кўлга киритаётган гоёта муҳим ғалабалари ҳақида ғурур билан гапириб: «Айни вақтда мана шундай ёшларимизнинг ютуқларини кўриб, бугун бизнинг давримиз келди, Ўзбекистоннинг замони келди, дунё бизни тан олаётган, деган юксак ғурур-ифтихор туйғуси, катта ишонч билан

яшашимиз табиийдир», деганларида барчамиз беҳад тўлқинланиб кетдик.

Чиндан ҳам, болалар спортини ривожлантириш бўйича қилинаётган ишларнинг муваффақияти мазкур соҳага жалб этилаётган юқори малакали ўқитувчи ва мураббий кадрлар фаолияти билан боғлиқ. Шу маънода, мактабимизда ҳам ёшларнинг спорт билан мунтазам шуғулланиши, устозларнинг шогирдларига ўз билим ва тажрибасини ўргатиши учун барча шарт-шароитлар яратилган. Улардан оқилона фойдаланган ҳолда, жисмоний тарбия фани дарсларимиз кундан-кунга ҳар жиҳатдан такомиллашиб, бойиб бормоқда.

Бунинг натижасида ўнлаб ўқувчилар шаҳар, вилоят ва республика миқёсидаги мусобақаларда юқори ўринларни банд этмоқда. Масалан, Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг 10 йиллиги муносабати билан ташкил этилган шаҳар марафонида 9-синф ўқувчиси Зари-

на Умарова 1-ўринни эгаллади. Шунингдек, бадий гимнастикачи Назокат Каримова, таэквандочилар Нодира Норғулатова, Шўхрат Шавкатов ва эркин курашчи Асилбек Неъматовнинг ютуғи ҳам меҳнатимиз бесамар кетмаётганини билдиради.

Юртбошимизнинг мажлисида сўзлаган маърузасини тинглаб, қалбимда янги-янги режалар, ўзига хос мақсадлар тугилди. Халқаро мусобақаларда совриндор бўлган ёшларимизнинг номларини қувонч билан тилга олганларида эса, уларнинг мураббийларига ҳавас қилдим. Биласизми, энг қувонарлиси, мана шундай жаҳон ва қитъа чемпионоларини тарбиялаётган устозлар бизнинг ватандошларимиз, замондошларимиз! Бугун юртимизнинг ҳар бир ҳудудида бундай ёшларни тарбиялаш учун имкониятлар муҳайё. Ана шу шароитлардан умумли фойдаланиб сайёҳаракат қилсақ, албатта, чемпион ёшларимиз сафи янада кенгайиши шубҳасиз. Бу борада Президентимизнинг «Эндиги асосий вазифамиз — бу борадаги ишларни жаҳон андозаларига мос равишда исчиқ давом эттириб, янги, юксак босқичга кўтаришдан иборатдир», деган сўзлари биз учун дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Ғолиб АБДУЛЛАЕВ,
Қарши шаҳридаги 19-мактабнинг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси

Munosabat

Ўқувчиларнинг фанга қизиқишини ошириш, ақлий ва ижодий тафаккурини ўстириш, мустақил фаолиятга, АКТ имкониятларидан оқилона фойдаланишга ўргатиш бугун педагогиканинг муҳим вазифаларидандир. Шу каби мақсадлар эътиборга олинди, давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари замон талаби асосида янгиланиб бормоқда. Дарсликдаги мавзулар оддийдан мураккабга тамойили асосида ўқувчи ёши, психологик хусусиятларига мослаштириляпти.

мустақил ижодий фикрлашга ундайди. Қизиқарли мисол ва масалалар эса бола эътиборини тортади, тасаввурини жонлантириб, хотирасини чархлайди.

Ўқувчилар фаоллигини оширишда педагогик технологияларнинг аҳамиятини эътиборга олган ҳолда 9-синфлар учун информатика фанидан виртуал тақдимот-

шаклда сўровлар қилиб, ўзаро интерактив боғланиш имкониятини ҳам беради ва операция тизим танламайди. Сабаби, ҳозирги замонавий операция тизимлар ядросига қўшимча функциялар қўшилгани боис мослаштириш

Sinab ko'ring

Дастурни ишга тушириш учун «Quick publish» тугмаси босилиб, юқори даражадаги «Flash movie» ўрнатилади. «iSpring» «Quick publish»нинг



Бугун мактабларимиз ахборот-коммуникация технологиялари билан таъминланганлиги таълим сифати ва самардорлигини оширмоқда. Айниқса, амалий ишлар ва лаборатория машғулотларини ташкил этишда АКТ алоҳида аҳамиятга эга. «Macromedia Flash», «GIF Animation», «Microsoft Front Page», «Adobe Photoshop», «3D Max», «Microsoft Power Point» каби дастурлар ёрдамида ҳаракатли, рангли, овозли тасвирларни яратиш, матнли масалалар ечилишини намойиш қилиш, яъни кўргазмаларни таъминлаш имкони пайдо бўлди.

Кўргазмаларнинг информатика фанини ўқитишда жуда зарур. Ўқитувчи мавзунини аниқ ва тушунарли баён этиши учун кўргазмаларни қуроллардан оқилона фойдаланиш, маълумотларни мисоллар билан изоҳлаб, мустаҳкамлаб бориши керак. Компьютер хотирасидаги расм, жадвал, схемалар, фильм ва мультимедияли видеопроектордан фойдаланиш ўқувчи онгида мавзуга доир тасаввур ва тушунча ҳосил қилишда муҳим ўрин тутди. Масалан, «Резюме» технологиясини олайлик. Бунда ўқувчилар уч ғуруҳга бўлиниб, белгиланган вақт давомида куйидаги тарқатма материални тўлдирди ва ўз хулосасини баён этди:

«iSpring» ДАСТУРИ

дарс мазмунини бойитишга хизмат қилади



Хулоса: ахборотлашган жамиятда ишлаб чиқариш, инсонлар турмуш тарзи ўзгаради, ақлий меҳнат унумдорлиги ортади. Бироқ ахборот хавфсизлигини таъминлаш зарурияти пайдо бўлади.

Ажратилган вақт тугагач, ғуруҳларнинг биттадан аъзо-си доскага чиқиб, жамоаси фикрини ҳимоя қилади. Рақиб ғуруҳ саволларига ҳам жавоб беради, унинг жавобини тўлдирган бошқа жамоадорларини иштироки ҳам инobatга олинади. Ўқитувчи ҳар бир жавобга муносабат билдириб, ўқувчиларни баҳолаб боради. Мавзудан келиб чиқиб, тарқатма материал саволлари ва хулоса ҳам турлича бўлиши мумкин.

Бу каби топшириқлар ўқувчининг информатикадан билиминини ошириш баробарида,

лар яратишни «iSpring» дастури ёрдамида кўриб чиқамиз. Одатда, тақдим этилаётган материал иштирокчилар томонидан осон ўзлаштирилиши учун «Microsoft Power Point» дастуридан фойдаланилади. Аммо бугунги кунда «Richmedia» компанияси тақдим этаётган «iSpring» дастури flash-роликларни шакллантириш имконини бериши билан алоҳида эътироф этилади. Дастур «iSpring Free», «iSpring PRO» ва «iSpring Presenter» каби вариантларга эга. Мустақил экспертлар фикрича, дастурий маҳсулот тезлиги, конверсиялаш(мослаштириш жараёни) сифати ва опциялар сонига кўра энг яхшиларидан ҳисобланади. Базан тақдимотлар ўтказиш жараёнида компьютерда «Microsoft Office» дастурлари ўрнатилмагани боис тайёр тақдимотни фойдаланувчиларга намойиш этишда қийинчилик туғилади. Дастурни янгидан ўрнатиш ва юклаш учун анчагина вақт кетади. «iSpring presenter» эса нафақат «flash» тақдимотларини яратишга, балки таълим жараёнида қўлаш учун қизиқарли роликлар тайёрлаш, уларга турли

амалиёти тез ва осон амалга оширилади.

«iSpring» дастурида мультимедияли маърузаларни тайёрлаш. «iSpring» ўрнатилгач, «Power-Point»га «iSpring»нинг инструментал катори қўшилади. «iSpring» функциялардан тайёрланган материал ўзига хос «playback» (бошқариш формаси) воситасида намойиш этилади. Эслатма сифатида шунини айтиш керакки, «iSpring presenter»га қўшилидиган ҳар бир маълумот «Windows» учун ўзига хос аҳамиятга эга ва унинг қуйидаги имкониятлари мавжуд:

- «Window»(ойна)да «flash»ни намойиш этиш;
- тақдимотни тақдиқ этиш;
- «Window» билан боғланиш;
- «Window»ни тақдим этиш;
- «Window»да аудио ва видео ёзиш;
- «Window»га сўровлар қўшиш;
- «Window»да «YouTube»га кириш ва бошқалар.



Информатика фани ўқитувчиси соҳага оид энг сўнги янгилликлар ва яратилаётган барча қулайликлардан воқиф бўлиб бориши зарур. У дарсни компьютер имкониятларидан юқори даражада фойдаланиб, қизиқарли педагогик технологиялар асосида ташкил эта олсагина, ўқувчиларда фанга қизиқиш ортади, бўш вақтини турли компьютер ўйинлари билан банд этмай, фойдали ишларга сарфлашни ўрганади.

Вали НАСИМОВ,
Каттакўрғон туманидаги 93-мактаб директори,
информатика фани ўқитувчиси

Шерали МИНГЯШАРОВ,
Каттакўрғон туманидаги 26-мактаб директори

Мактабдан қайтган Азиз-жон уст-бошини алмаштириб, чой ичди-ю, кўчага отланди. Кўлида белкуррак билан шошилиб йўлга тушаётган ўғлига онаси юзланди:

— Йўл бўлсин, ўғлим? — Наргиза опа ўғлидан жавоб кутди.

— Бугун шанба. Одатда-гидек маҳалладаги ободонлаштириш ишига ёрдамлашамиз. Ўртоқларим кўчада

Hamkorlik hikmati

бияси бугунги кунда кенг жамоатчиликнинг муҳим вазифасига айланган. Ўғил-қизларининг таълим масканида қандай билим олаётгани, дарсдан бўш вақтини нима билан ўтказаятгани ота-оналарни бефарқ қолдирмайди. Шу боис мактабимизда фарзандлар тар-

синфда «Орасталик ва саломатлик» тўғараги фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, мактаб, оила, маҳалла ҳамкорлигида «Болангиз мактабга тайёрийми?», «Фарзандларингизга эртақ ўқиб беринг!» каби мавзуларда учрашув ўтказиш доимий йўлга қўйилган. «Отам, онам, мен — спортчилар оиласи» мусобақалари ҳам ёшлар тарбиясига хизмат қилмоқда. «Энг

МУШТАРАК МАҚСАДЛАР

баҳамжиҳат ҳаракатга ундаётур

кутиб қолишди, — дея Азиз-жон йўлида давом этди.

Жиззах шаҳридаги 3-мактаб ўқувчиларидан иборат «Кўмак» гуруҳи маҳалладаги кўкларзорлаштириш, ободонлаштириш ишларида ҳамisha фаол. Бугун ҳам улар хайрли ишга ошиқмоқда. Гуруҳ аъзоларидан Умид Исмоилов, Мадина Болтаева ва бошқалар Навоий маҳалласида яшовчи ёлғиз қария Татьяна Холипова хонадонига йўл олишди. Ўғил болалар ер чопиш, ариқларни тазолаш ишларини бажарди. Қизлар эса хоналарни тартибга келтириб, эшик-деразаларни артишди. Таом тайёрлашда ҳам онахонга кўмакдош бўлишди.

— Мактабимизда «Оила, маҳалла, мактаб ҳамкорлик маркази» ташкил этилган, — дейди директорнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Баҳора Фозилова. — Фарзандлар тар-

бияси билан боғлиқ учрашувлар мунтазам ўтказиб турилади. Бунда ота-оналар кўмитасининг хизмати ҳам катта.

Вояга етмаганлар ўртасида ноҳуш ҳодисаларнинг олдини олишга қаратилган тадбирлар ота-оналар билан ҳамкорликда изчил ўтказиб келинмоқда. Миллий аъёнларнинг тарғиб қилиш ҳамда турли адабий-бадий кеча-лаҳадаги фаоллиги учун 14 нафар ўқувчимизга «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармаси сифатинда дам олиш учун бепул йўланма берди.

Мактабда қизларни мустақил ҳаётга тайёрлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Хотин-қизлар кўмитаси, маҳалла билан ҳамкорликда «Ораста қиз — оила қувончи» кўрик-танлови ўтказилди. Бунда оила аъзоларига ёрдам бериш, ўз хулқ-одоби билан бошқаларга ўрнак кўрсатиш асосий талаб қилиб қўйилди. Ҳар бир

китобхон оила» кўрик-танловида эса кўглаб хонадон соҳиблари иштирок этиб, энг кўп китоб жамғарган оила, кўп китоб ўқиган оила аъзолари ибрат қилиб кўрсатилади. Кўрик-танловда Ширинқуловлар ва Имонқуловлар оиласи голиб деб эътироф этилди.

Оила, маҳалла, таълим муассасаси орасида ҳамкорликнинг тўғри йўлга қўйилгани таълим-тарбиянинг сифати ва самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Билимлар беллашуви, турли кўрик-танлов ва спорт мусобақаларида ўғил-қизлар эришган ютуқлар йил сайин салмоқли бўлаётур. Мактаб рейтинг кўрсаткичи бўйича шаҳар миқёсида 1, 2-ўринни қўлдан бермай келяпти. Ҳа, мақсадлар муштараклиги ва бу йўлдаги баҳамжиҳат ҳаракат барча ютуқларнинг асосий омили ҳисобланади.

Абдусаттор СОДИҚОВ,
«Ma'rifat» мухбири

БИЛГАНЛАРНИ ЎРГАНИБ, БИЛМАГАННИ ЎРГАНИБ...

Янги ўқув йилидан амалиётга жорий этилган «Ўрган-ўргат» тавсиялар мажмуаси орқали таълим самарадорлигини оширишга, ўқувчиларнинг янада қўрқиб билим олишига эришилмоқда. Барча умумтаълим мактабларида тавсия доирасида тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Жумладан, Касби туманидаги ўқув муассасаларининг ҳамкорлиги янада мустақамланмоқда. 16-мактаб жамоаси билан 13-мактабнинг ўқитувчи ва ўқувчилари ўзаро тажриба алмашишни йўлга қўйишган.

— Алоқаларимиз таълим-тарбиянинг барча йўналишини қамраб олган, — дейди мактаб директори Зикрий Файзуллаев. — Жумладан, ўқитувчилар орасида тажриба алмашиш, кўргазмаларни қўриб яшаш, синфхоналарни қўшимча жиҳозлаш, соғлом рақобат муҳитини яратиш, ижро интизомини йўлга қўйиш, меъёрий ҳужжатларни юритиш борасида ютуқларимиз билан ўртоқлашиб камчиликларни бартараф этаймиз. Мактабимизнинг мусика ва инглиз тили фани ўқитувчилари 13-мактабда ноъанавий дарс ўтишган бўлса, ўз навбатида, ҳамкор мактабнинг тарих ва адабиёт фани ўқитувчилари бизникларга тажрибаларини ўргатишди. Ўқувчилар орасида соғлом рақобатни вужудга келтиришга «Фаол ўқувчи» номинациясини жорий этганимиз яхши самара бермоқда. Аълочи ўқувчиларни тенгдошларига ибрат қилиб кўрсатайлимики, натижада дўстона мусобақа муҳити пайдо бўлди.

Сайёҳатлар қисқа вақтда самара бера болади. Мисол учун Марғуба Саломова, Насиба Ҳамроева, Мусаваара Худойберганова, Каромат Юсупова, Зийда Қувватова, Собир Ҳайитов, Рустам Ҳайитов, Мавжуда Жўраева дарсларни ноанъанавий тарзда, қизиқарли ўтапти. Илғор педагогик технологиялар ва

ахборот-коммуникация воситалари ёрдамида ташкил этилаётган машғулотларда ўқувчилар фақат тингловчи эмас, иштирокчига айланмоқда.

— «Ўрган-ўргат» тавсияси бўйича 13-мактабда амалга оширилган илғор тажрибалардан фойдаланган ҳолда барча фанларни компания ёрдамида ўтишни йўлга қўйдик, — дейди 16-мактаб информатика фани ўқитувчиси Мавжуда Тўраева. — Электрон дарсликлар асосида ташкил этилган машғулотларда ўқувчиларнинг ўзлаштириши юқори бўлмоқда.

Ҳамкор мактабларнинг жисмоний тарбия ўқитувчилари ҳам ўзаро тажриба алмашишарти. Лобар Холёрова раҳбарлигида ташкил этилган бадий гимнастика тўғарагида нафақат 16-мактаб ўқувчилари, балки Дўстлик, Хўжа-Касби, Хитой, Хўжа-Хитой кишлоқларидаги қизлар ҳам шуғулланишмоқда. 13-мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувчилари эса спортнинг нафис тури бўйича тажрибаларини оширишмоқда.

Ўрни келганда, 16-мактабдаги спорт ҳосасида эришилган ютуқлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтасак. Хунсида Акбарова, Гулҳаё Холмуродова бадий гимнастика бўйича вилоят мусобақасида голиб чиққан бўлса, ўзбек жанг санъати тўғараги аъзолари Бекзод Шарипов, Турсун Турсунов, Чарос ва Озода Яхшибоева Осиё чемпиони бўлишди.

Ҳар гулнинг ўз ифори бор, дейилганидек, ҳар бир мактабнинг ҳам ўзига хос ютуқлари мавжуд. «Ўрган-ўргат» тавсиялар мажмуаси айтиш шу жиҳатларни омаллаштириш ва тажриба алмашишда муҳим омил бўлмоқда.

Ўқтам МЕЙЛИЕВ,
«Ma'rifat» мухбири

ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИДАН

Мамлакатимиз таълим тизими ва илм-фан тараққиётининг бугунги сифат даражаси ўзининг мустақам тарихий пойдеворида эга бўлиб, мустақиллик йилларида мавжуд салоҳиятини янада ошириш ва ривожлантириш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилади.

Дунёда ноёб модел сифатида эътироф этилган ва амалиётда ўзининг самарасини тасдиқлаган Кадрлар тайёрлаш миллий модели ёш авлодни баркамол этиб тарбиялаш, замонавий касб-хунарларни эгаллаган рақобатбардош мутахассисларни тайёрлаш орқали мамлакатимиз тараққиётини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури доирасида амалга оширилаётган таълим тизимидаги ўзгаришларнинг мантиқий давоми сифатида олий ўқув юртидан кейинги таълим тизими тубдан ислоҳ қилиниб, эндиги асосий вазифамиз — буюлган янгилашларни мантиқий яқинига етказиш, белгиланган долзарб вазифаларни қатъият ва изчиллик билан амалга ошириш, диссертацияни тайёрлаш ва ҳимоя қилиш бўйича эскича қарашлар ва қолиқларга барҳам бериш ҳамда жорий этилган тизимнинг натижавийлигини таъминлашдан иборат.

Узлуксиз таълим тизимининг таркибий қисми бўлган олий ўқув юртидан кейинги таълим жамиятининг олий маҳалли илмий ва илмий-педагог кадрларга бўлган эътиборини қондириш, баркамол авлодни тарбиялаш, таълим ва илм-фан соҳаларини сифат жиҳатдан ривожлантириш ва мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Шу боис юртимизда мустақилликнинг дастлабки кунлариданок таълим, жумладан, олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини ислоҳ қилишга устувор аҳамият қаратилади. Зеро, Юртбошимиз Ислам Каримов 2012 йилнинг февралда Тошкентда бўлиб ўтган «Юксак билим ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарт» мавзусидаги халқаро конференциядаги маърузасида таъкидлаганидек, «Биз ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган замонавий давлат қуриш йўлига қадам қўйиб, кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари изчиллик билан ўтишни таъминлар эканмиз, фақат миллий ва умумбаъшарий кадрларни уйғунлиги заруриятини теран англайдиган, замонавий билимларни, интеллектуал салоҳият ва илғор технологияларни эгаллаган инсонларга ўз олдимизга қўйган стратегик тараққиёт мақсадларига эришиши мумкин эканини ҳамisha ўзимизга яхши тасаввур этиб келмоқдамиз».

Бу борада мамлакатимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётга ўтишлар 9+3 схемаси бўйича умум мажбурий бепул таълим тизими тўлиқ жорий этилди. Бунда, дунёнинг бошқа давлатларидан фарқли ўлароқ, умумий ўрта таълим ва ўрта махсус, касб-хунар таълими тўлиқ даражада давлат зиммасига олинди; — таълим тизимининг барча турлари замонавий талаблардан келиб чиққан ҳолда юқори маҳалли педагог кадрлар ҳамда моҳиятан бирбирига мувофиқ бўлган Давлат таълим стандартлари, дастурлари, ўқув режалари, дарсликлар, ўқув адабиётлари ва бошқа зарур қўлланма-

стандартларга мос шарт-шароитлар яратилди. Бу юқорида тилга олинган халқаро конференцияда иштирок этган жаҳондаги йирик халқаро ташкилотлар экспертилари ва дунёнинг юзга яқин мамлакатидан келган таълим ва фан соҳаси мутахассисларининг хулосаларида ҳам ўз эътирофи ва холис баҳосини тоғди.

Бугунги кунда Ватанимиз мустақиллигини мустақамлаш, халқимизнинг турмуш даражаси ва ҳаёт сифатини изчил ва босқичма-босқич юксалтириб боришда олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг асоси бўлган таълим ва илм-фан тараққиёти муҳим ўрин тўтиши шубҳасиз. Мамлакатимиз таълим тизими ва илм-фан соҳасининг жаҳонда эътироф этилган бугунги тараққиётининг сифат даражасига, бир томондан, она заманимизда қадимдан таълим-тарбия ва илм-фан тараққиётига алоҳида аҳамият берилгани, халқимизнинг юксак илмий-ижодий тафаккури, бу табаруқ тупроқда етишиб чиққан ва жаҳон цивилизациясига муносиб ҳисса қўшган буюк аждодларимиз асарлари, маданият меросимиз ва кўнча тарихимизнинг мантиқий махсули, иккинчи томондан эса, мустақиллик йилларида ушбу соҳаларни сифат жиҳатдан тубдан ривожлантириш борасида амалга оширилаётган дастурий чора-тадбирлар натижаси сифатида қаралиши лозим.

Мамлакатимиз таълим тизимида кадрлар тайёрлаш миллий модели асосида кенг миқёсдаги ишлар амалга оширилади, ўзининг салмоқли самарасини бермоқда. Жумладан:

— таълим тизими узлуксизлиги таъминланиб, унинг таркибида 9+3 схемаси бўйича умум мажбурий бепул таълим тизими тўлиқ жорий этилди. Бунда, дунёнинг бошқа давлатларидан фарқли ўлароқ, умумий ўрта таълим ва ўрта махсус, касб-хунар таълими тўлиқ даражада давлат зиммасига олинди;

— таълим тизимининг барча турлари замонавий талаблардан келиб чиққан ҳолда юқори маҳалли педагог кадрлар ҳамда моҳиятан бирбирига мувофиқ бўлган Давлат таълим стандартлари, дастурлари, ўқув режалари, дарсликлар, ўқув адабиётлари ва бошқа зарур қўлланма-

KEYINGI TAYMNING BIR BOSQIЧЛИ TIZIMI

ЗАРУРАТИ ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

лар билан таъминланди. Шунингдек, замонавий ўқув-лаборатория ускуналари, компьютер техникаси ва бошқа воситалар билан тўлиқ жиҳозланди. Тегишли равишда таълим муассасалари, илмий ташкилотлар ва ишлаб чиқариш соҳалари ўртасида чуқур интеграция жараёнлари йўлга қўйилди;

— мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури асосида барча умумтаълим мактабларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари тўла амалга оширилди, замонавий шарт-шароитларга эга бўлган биналарда 1—9-синфларда ўқувчиларни ўқитиш таъминланди;

— умумтаълим мактабларидаги 9 йиллик ўқиган сўнг ўқувчиларни тўлагича қабул қилиш имкониятига эга бўлган, замонавий талабларга жавоб берадиган касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар тизими тўлиқ шакллантирилди. Бунда умумтаълим фанлари билан бирга, икки-учта мутахассислик бўйича касб-хунар ўрганиш йўлга қўйилди. Шунингдек, мазкур таълим муассасаларини битирган кичик мутахассис кадрларни иш жойи билан таъминлашда давлат томонидан зарур шарт-шароитлар яратилди;

— олий таълим тизими бакалаврият ва магистратура bosqichlari асосида халқаро тан олинган талабларга мувофиқ ҳолда ташкил этилди;

— олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимида сифат ўзгаришларини амалга ошириш таъминланди;

— таълим турлари бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими тубдан ўзгаририлди.

Шунингдек, илмий фаолиятни самарали ташкил этишга қаратилган бир қатор мақсадли дастурий ҳужжатлар қабул қилинди ва чора-тадбирлар белгиланди. Булар илмий изланишларни жаҳон андозаларига мос бўлган таъминлаш асосида ташкил этиш ва тадқиқотлар сифатини оширишга, шунингдек, илм-фаннинг Ватанимиз мустақиллигининг иқтисодий ва илмий-технологик асосларини янада мустаҳкамлаш ва жаҳондаги нуфузини оширишдаги муносиб ўрнини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Таъкидлаш керакки, шу йиллар давомида олий ўқув юртидан кейинги таълимни ташкил этиш ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни attestatsiyadan o'tkazishni tubdan yaxshilash bo'yicha bir qator hujjatlar qabul qilinib, keng miqyosdagi ishlar amalga oshirildi va salmoqli natijalarga erishildi. Бунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 31 мартдаги "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий attestatsiya komissiyasi (Ўзбекистон Республикаси ОАК)ни ташкил қилиш тўғрисида"ги Фармони муҳим аҳамият касб этди.

Олий малакали илмий ва

илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва уларни attestatsiyadan o'tkazishni tubdan yaxshilash bo'yicha bir qator hujjatlar qabul qilinib, keng miqyosdagi ishlar amalga oshirildi va salmoqli natijalarga erishildi. да ўтказишни ислоҳ қилиш ва тизимли равишда такомиллаштириб бориш ишлари ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтишнинг "Ўзбек модели" ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури платформаси асосида мамлакатимизда амалга оширилган ислохотларга монанд равишда олиб борилиб, бунда биз "Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг", деган ҳаётий тамойилга таянган ҳолда тегишли тадбирларни изчил ва bosqichma-bosqich амалга ошириш йўлини танладик. Шундан келиб чиққан ҳолда мамлакатимизда олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг икки bosqichli тизими 1992—2012 йиллар давомида амал қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 июлдаги "Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва attestatsiyadan o'tkazishni tubdan yaxshilash bo'yicha bir qator hujjatlar qabul qilinib, keng miqyosdagi ishlar amalga oshirildi va salmoqli natijalarga erishildi. да ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони билан 2013 йилнинг 1 январидан бошлаб тараққиётимизнинг ўзига хос хусусиятлари ва мақсадларига монанд равишда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури вазидаларидан келиб чиққан ҳолда, шунингдек, халқаро талаблар ва стандартларга мувофиқ фан доктори илмий даражасини бериш бўйича олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг бир bosqichli тизими жорий қилинган мазкур соҳадаги ислохотларнинг узвий давоми бўлди, дейиш мумкин.

Бу борада табиий савол туғилади — нима учун айнан 2013 йилдан бошлаб олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг бир bosqichli тизими жорий этилди?

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазидаларнинг bosqichma-bosqich бажарилиб бориши натижасида айнан 2012 йилга келиб амалга оширилаётган ислохотларнинг манتيқий давоми сифатида олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини тубдан ислоҳ қилишга объектив зарурат (шарт-шароит) пишиб этилди. Мазкур объектив зарурат юзасидан, жумладан, қуйидагиларни билдириб ўтиш мақсадга мувофиқ:

биринчидан, узлуксиз таълим тизимининг амалиётга муваффақиятли жорий этилгани, замонавий норматив-ҳуқуқий базанинг яратилгани, моҳиятан бир-бирига мувофиқ бўлган Давлат таълим стандартлари, дастурлари, ўқув режалари ва ўқув адабиётлари асосида таълим жараёнининг тўлиқ ташкил этилгани. Бу, ўз навбатида, халқаро талаблар ва стандартларга мувофиқ олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг бир bosqichli тизимини жорий қилишга объектив шароит яратиб берди;

иккинчидан, олий таълимнинг бакалаврият ва магистратура bosqichlarini ташкил этиш халқаро тан олинган меъёрларга тўла мувофиқлиги таъминланди. Бугунги кунда, жумладан, магистратурага қабул қилиш тартиби, магистрларни тайёрлашга

қўйилган талаблар ва ўқув жараёнини ташкил этиш, унинг ўқув-дастурий ва услубий таъминоти замонавий талабларга тўла мувофиқдир. Бу эса, ўз навбатида, мазкур ўзгаришларга мувофиқ равишда олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимида ҳам тегишли янгиланишларни амалга ошириш заруратини таъкидлаётди;

учинчидан, бакалаврият ва магистратура bosqichlarida илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этиш ишлари тизимли йўлга қўйилди. Бугунги кунда магистратурада аниқ мутахассислик бўйича фундаментал ва амалий йўналишларда илмий изланишлар ташкил этилиб, бу жараёнда олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари ҳамда ишлаб чиқариш соҳалари ўртасида самарали ҳамкорлик ташкил этилган. Ушбу жараёнда магистрантларнинг мустақил илмий изланишларда бориши, шу йўналишдаги билимини янада бойитиши ва тегишли кўникмаларга эга бўлишига муҳим аҳамият берилмоқда. Алоҳида таъкидлаш керакки, амалга оширилган чора-тадбирлар таркибига халқаро стандартларга мувофиқ "магистр" даражасини бериш бўйича диссертация мазмуни ва сифати йўлга қўйилган янги мезонлар ва талаблар халқаро меъёрларни кўзда тутиган ҳолда ишлаб чиқилиб, жорий этилиши таъминланди.

Шунингдек, бакалаврият ва магистратура стандартлари амалиётга муваффақиятли жорий этилиши натижасида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилиш ва илмий даража олиш моҳиятан ортқича эканлиги намоён бўлди. Зеро, бир томондан, олий таълим тизимидаги сифат ўзгаришлари сабабли, бугунги кунда магистратура моҳиятан "стажёр-тадқиқотчи-изланувчилар" институти вазидаларини амалда бажармоқда, иккинчи томондан эса, магистрлик ва номзодлик диссертацияларини тайёрлаш ва ҳимоя қилиш амалиётини халқаро даражада тан олинган "магистрлик ва докторлик диссертациялари" тизими нуқтаи назаридан қайта қириб чиқишнинг объектив зарурати юзга келди;

тўртинчидан, номзодлик диссертациясини тайёрлаш, ҳимоя қилиш ва фан номзоди илмий даражасини олиш кўп ҳолларда илм-фанни ривожлантириш ва илмий-техникавий тараққиёт манфаатларидан йироқ мақсад бўлиб қолгани, бу жараён суийест-молчилик ҳолатларига олиб келгани, шунингдек, унинг сабаблари ва диссертация тайёрлаш ва ҳимоя қилиш бўйича эскича қарашлар ва қоидаларга барҳам берилиши заруратиدير.

Шуни таъкидлаш керакки, мамлакатимиз таълим тизимида амалга оширилган ислохотларнинг мантиқий давоми сифатида амалиётга жорий этилган мазкур тизим, бир томондан, унинг миллий тараққиётимизнинг ўзига хос хусусиятлари ва мақсадларига монанд равишда Кадрлар

тайёрлаш миллий моделига асослангани, иккинчи томондан эса, иқтисодиёти бозор муносабатлари асосида юқори даражада ривожланган демократик мамлакатларда қабул қилинган замонавий, халқаро тан олинган талабларга мослиги билан тавсифланади.

Бу борада ушбу тизимнинг қуйидаги ўзига хос хусусиятларини кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқ:

биринчидан, мазкур тизимни амалиётга жорий этишда давлатнинг ташаббускорлиги. Бу, ўз навбатида, ислохотни аниқ мақсадга йўналтирган ҳолда тартибли ва изчил амалга оширилишини, шунингдек, бошланган янгиланишларни манتيқий янгилашга етказишни таъминлашга ҳар жиҳатдан мустаҳкам асос яратиб беради;

иккинчидан, ушбу тизим норматив-ҳуқуқий базасининг тубдан янгилангани. Зеро, бу хусусият янги тизимни жорий қилишнинг ҳуқуқий асосини замонавий талабларни кўзда тутиган ҳолда тубдан янгиллаш ва ислохотнинг натижавийлигини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаб бериш билан белгиланади. Шу ўринда қуйидаги икки масала хусусида алоҳида фикр билдириш мақсадга мувофиқдир:

амалиётга жорий этилган тизимда "бакалавр" даражасига эга бўлган олий маълумотли шахсларнинг муайян талабларни бажарган ҳолда докторлик диссертациясини ҳимоя қилишига ҳуқуқий асос яратиб берилди. Бу ҳуқуқий меъёрнинг амалиётга жорий этилиши бакалаврларнинг ижтимоий мақомини янада оширишга, иқтидорли ёшларни илмий ва илмий-педагогик фаолиятга янада кенг жалб этишга, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини янада самарали ташкил этиш каби мақсадларга хизмат қилади;

юқоридагилар билан бир қаторда тегишли тадбирларни тизимли равишда бири бири билан мувофиқ ҳолда ташкил этишни таъминлаш юзасидан катта илмий ҳодим-изланувчилар институтига кирувчи шахсларга камидан 2 йиллик, мустақил изланувчи бўладиган бакалаврлар учун эса камидан 5 йиллик амалий иш стажига эга бўлиш талаби ҳуқуқий жиҳатдан белгилаб қўйилди. Бу талаблар юзасидан қуйидагиларни таъкидлаш мумкин: **биринчидан**, катта илмий ҳодим-изланувчилар институтига кириш учун магистр даражасига эга шахс муайян илмий натижаларни қўлга киритган бўлиши, жумладан, диссертация тадқиқоти асосини ташкил қилиши мумкин бўлган камидан учта илмий мақола ва конференцияларда эълон қилинган иккита маърузалар тезисига эга бўлиши керак. Бу ишларни амалга ошириш учун табиий равишда муайян мuddatда илмий ёки илмий-педагогик фаолият олиб бориш зарурдир. Шу жиҳатдан бундай шахслар учун камидан 2 йиллик илмий ёки илмий-педагогик иш стажига эга бўлиш талаби қўйилган; **иккинчидан**,

мустақил изланувчи сифатида расмийлаштирилмаган бакалавр даражасига эга бўлган шахс амалий фаолиятни чуқур эгаллаши, амалий иш фаолияти йўналишида муайян илмий натижаларга эга бўлиши талаб этилади. Шуларни эътиборга олган ҳолда унга камидан 5 йиллик амалий иш стажига эга бўлиши талаби қўйилган;

учинчидан, тизимнинг ижтимоий йўналтирилганлиги. Бунда ёшларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини намоён этишига ҳамда улар фаолиятини мақсадли йўналтиришга янада қулай ижтимоий шароит яратиб берилиши алоҳида кўзда тутилганини кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқ;

тўртинчидан, олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг икки bosqichli тизимдан бир bosqichli тизимга ўтишнинг пухта ўйланган дастурий ёндашув асосида bosqichma-bosqich амалга оширилиши;

бешинчидан, тизимнинг иқтисодий ривожланган демократик мамлакатларда қабул қилинган олий малакали илмий кадрлар тайёрлашнинг замонавий, халқаро тан олинган талабларига мувофиқлиги;

олтинчидан, фан доктори илмий даражасига ҳамда доцент, катта илмий ҳодим ва профессор илмий унвонларига қўйилган талаблар замонавий стандартлар ҳамда халқаро тан олинган меъёрлардан келиб чиққан ҳолда мувофиқлаштирилгани;

еттинчидан, рақобатбардош илмий изланишларни ташкил этиш ва шунга мос равишда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар таркибини янада мустаҳкамлашга йўналтирилгани;

амалиётга жорий этилган олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг бир bosqichli тизимини баркамол авлодни тарбиялашга, диссертация тадқиқотларининг илмий-амалий аҳамияти ва сифатини оширишга, олим-мутахассислар ва ёшларимизнинг Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда иқтисодий ва демократик ислохотларнинг устувор вазидаларини муваффақиятли амалга оширишдаги муносиб ўрнини янада кучайтиришга, Ватанимизнинг жадал ривожланиши таъминлашга, жаҳондаги нуфузини янада кўтарishi ва олимларнинг жамиятимиз тараққиётига қўшаётган хиссасини янада юксалтиришга хизмат қилади.

Аҳмадбек ЮСУПОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси
хузуридаги Олий
аттестация комиссияси бош
илмий котиби, иқтисодиёт
фанлари доктори,
профессор



ЎЗБЕКИСТОН ТАЪЛИМ, ФАН ВА МАДАНИЯТ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Мамлакатимиз таълим-тарбия, фан ҳамда маданият соҳаларида
фидойилик билан меҳнат қилаётган барча юртдошларимизни
ҳар йили ўзгача тароват билан Она заминни
гулу гиёҳларга буркайдиган баҳор шодиёнаси

НАВРЎ

умумхалқ байрами билан самимий муборакбод этамиз!

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ!

Ёшларимизни чуқур билимга эга, замонавий касб-ҳунар
соҳиби, миллий ва умуминсоний қадриятларга, ўз Ватанига
содиқ, юксак маънавиятли шахс – баркамол авлод этиб
тарбиялаш йўлида Сиз билан баҳамжиҳат фаолият
олиб бораётганимиздан мамнунмиз.





Китоб миллатнинг ақл кўзини ёритувчи офтобдир!

ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ НАШРИЁТ-МАТБАА ИЖОДИЙ УЙИ

www.gglit.uz

Меҳмондўст, бағрикенг, ижодкор ва бунёдкор
халқимизни Наврўз умумхалқ байрами
билан самимий муборакбод этамиз!
Барчага шодлик, бахт-саодат, тинчлик ва хотиржамлик,
қут-барака доимий йўлдош бўлсин!



Сизга тақдим этилаётган ўзбек ва жаҳон
адабиётининг энг сара намуналаридан бахраманд бўлинг!

Телефонлар: (+99871) 241-83-29. Моб.: (+99893) 577-41-81, (+99894) 622-74-41, (+99890) 945-06-06

www.gglit.uz E-mail: iptd gulom@sarkor.uz, info@gglit.uz

Манзилимиз: 100128, Тошкент шаҳри, Шайхонтохур кўчаси, 86.

«Faslning eng yaxshi ijodkori»

КУМУШ ҚИШНИНГ ЭНГ САРАЛАРИ

Майин офтобнинг заррин нурлари қалбларига ажиб бир илиқлик олиб киради. Бу кумуш қиш ўз ўрнини фасллар келинчаги бўлмиш — баҳорга бўшатишидан дарак. Аънаанага кўра, янги фасл бошида ўтган фасл сарҳисоб қилиниб, энг яхши ижод намуналари ва уларнинг муаллифлари аниқланади. Табиат уйғониб, кўклам нафаси уфуриб турган шу кунларда газетамизнинг «Фаслнинг энг яхши ижодкори» танлови голибларини эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз. Марҳамат улар билан танишинг:

Танлов номинациялари номи	Голиб материал номи ва эълон қилинган санаси	Голиб муаллифлар
«Энг яхши мақола»	Бу ҳали бошлангани... (2012 йил 8 декабрь)	Хусан Карвонли
«Оригинал бир соатлик дарс»	Функция узлуксизлиги нега керак? Ёхуд «Олий математика» фанининг амалий машғулотларини ноанъанавий усуллар ёрдамида ўтиш модели (2012 йил 26 декабрь)	Даврон Раҳимов, Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш маркази мутахассиси, физика-математика фанлари номзоди, доцент
«Сермазмун саҳифа»	Гурунг (2013 йил 20 февраль)	Маҳмуд Саъдий
«Энг яхши очерк ёки эссе»	Ёғочдан унган гулдаста (2012 йил 15 декабрь)	Севара Мусаева
«Педагог-муаллимнинг долзарб материали»	Энди ишим осон кечади ёхуд ўзлаштириши қийин ўқувчилар билан қандай ишлаш зарурлиги ҳусусида (2013 йил 23 январь)	Мусаллима Абдурахимова, Қўрғонтепа туманидаги 22-мактаб ўқитувчиси

Танловнинг юқорида келтирилган номинацияларида голибликни қўлга киритган муаллифлар тахририятнинг фахрий ёрлиғи ва энг кам иш ҳақининг 3 баравари миқдоридagi мукофот билан тақдирланади.

«Қизиқарли интервью, суҳбат»	Умр ўткинчидир, ҳаёт абадий «Она ўйлари» нима ҳақида сўйлайди? (2013 йил 26 январь)	Ойбуви Очилова
«Жозибали сурат»	Баҳор — умидларнинг беланчагидир (2013 йил 20 февраль)	Тимур Кайсаров
«Самарали методик материал»	Дахлдорлик дарси «Маънавият соати»да «Case study» методидан фойдаланиш юзасидан тавсиялар (2013 йил 12 январь)	Мухаммадjon Қуронов, педагогика фанлари доктори
«Тарбияга оид амалий таклиф»	Таққ ва изн бола тарбиясида муҳим аҳамиятга эга (2013 йил 19 январь)	Умарали Қодиров, Республика «Оила» илмий-амалий маркази илмий ходими, психология фанлари номзоди
«Ўқишли бадий асар»	Эҳ, содда одамлар! (2012 йил 26 декабрь)	Голиб Баҳромов

Танловнинг юқорида келтирилган номинацияларида голибликни қўлга киритган муаллифлар тахририятнинг фахрий ёрлиғи ва энг кам иш ҳақининг 2 баравари миқдоридagi мукофот билан тақдирланади.

«Воқеликка муносиб шарҳ»	Тил ўрганиш — тараққиёт омили (2013 йил 23 январь)	Шахриёр Сафаров, филология фанлари доктори, СамДУ профессори, Мухаммадjon Холбеков, филология фанлари доктори, ЖДПИ профессори
«Ўзига хос янгилик»	Самарқандда қаҳва дарахти (2013 йил 23 февраль)	Ҳаким Жўраев
«Талаба-журналистнинг ёрқин публицистик иши»	Устоз — чарақлаб турган кўёш (2012 йил 19 декабрь)	Райҳона Очилова, ЎзДЖТУ талабаси
«Энг сара таржима материали»	Дунёдаги энг чиройли оёқ (2012 йил 15 декабрь)	Малоҳат Фафорова
«Мазмули таълимий бошқотирма»	«Табиат ва биз» ребуси (2012 йил 8 декабрь)	Тоҳиржон Аминов, Чуст туманидаги 7-ИДУМИ ўқитувчиси
«Ҳозиржавоб муштарий» («Акс-садо»)	Ўқитувчига таъсир этувчи омилар таълими самардорлигини ё ижобий, ё салбий томонга ўзгартиради (2012 йил 1 декабрь)	Ҳавасхон Шокирова, филология фанлари номзоди
«Энг яхши репортаж»	Ёшлар сиёсати: барқарор тараққиёт кафолати (2013 йил 26 январь)	Дишлоҳ Каримов, Моҳичеҳра Латипова, Баҳодир Ҳалимов

Танловнинг юқорида келтирилган номинацияларида голибликни қўлга киритган муаллифлар тахририятнинг фахрий ёрлиғи ва энг кам иш ҳақининг 1 баравари миқдоридagi мукофот билан тақдирланади.

Boqiy an'analar

чақиради: «Эй аҳли Изиллоқ, бугун бир неча масалани кенгашиб олишимиз зарур. Сизларга, аввало, қишлоқ фаолларининг, имомининг, мактаб маъмурияти ва фермерларнинг айтир сўзи, талаб ва истаги бор. Экинларнинг сугоришга келадиган сув уч қишлоқдан қилини кўйиб, узок тикилди, тин олди: «Изиллоқликлар Йилбоши сайлини бошлабди. Бизникилар нега ҳалигача жим?» дея ҳаёлидан ўтказди ва ўз ҳамқишлоқларини койган бўлди...»

Ер қовлаётганлар қатори кенгайиб, ўтин ёришга тушганидан аён бўлдики, улар ўчоқ қазишган экан. Қишлоқдан икки-уч одам бўлиб келадиганларга болалар ҳам эргашган, «ҳа» дегунча бутун Изиллоқ жам бўлди.

Тоқчўп минган болалардан бири «тулпорини кишатиб» чоғиб кетди. Ортдан иккинчи, учинчиси ҳам «бедав»ини йўғалади. Қайсидир боланинг чоғони улоққа айланди.

«Чоп, Қўзивоий!», «Улоқчи берма, Бўрибой!», «Кўчкор, сен нега анграйиб қолдинг!», «Ху-в Тожи, шу Қўзивоидан улоқни оломайсанми?» деб оталар болаларга кун бағишлайди. «Кўпқари» чоғиб терлаган «чавандозлар «от»ларини кўйиб юзориб, оналарни қўйиб кетади.

Ўчоқ бошидаги ошпазлардан бири

Оқсоқол яна сўз олди:

— Қувондиқ укамиз орамиздан ёш кетди. Уғли Едгорбек ҳали мактабга чиққани йўқ. Унинг оиласига қўлдан келганча ёрдам кўрсатишимиз керак. Бундай эзгу амалларни бажаришда оқсоқлик қўлаямиз. Ёш йигитлардан талабим — унинг томорқасини сугоришга, даладан молига ем-хашак олиб келишга ёрдам қилинг!

— Яна бир масала тўйларимиз тўғрисида, — дея сўз бошлади Султонмурод мусаду. — Ўтган йили қишлоқда бир-бирдан чиройли, тартибли тўйлар қаторида дабдабозликка берилиш ҳолатлари, кимўзарга, мен сендан камми қабилда тўй ўтказишлар, ичкиликни ҳаддан зиёд, ҳатто ёшлар олдига ҳам қўйишлар бўлди. Бу билан оптимизда

ДУОГА ОЧИЛГАН ҚЎЛЛАР

Яратгандан юртимизга тинчлик, халқимизга фаровонлик сўрайди

қурбонлик қилинган жонлиқнинг қулоғини мўйлаби сабаза урган ўсмирлар томон «Қулоқ-ўзма» дея отиб юборди. Бу томошани қаранг! Бири қулоқни олиб қочган, қолгани ортидан қувган. Ким етса, қочганининг қулоғидан тортади, токи қўлидаги қулоқни ерга ташламагунча... Қулоқ-ўзмага ташланган қулоқ энг чаққон, энг чопқир ўсмирнинг қўлида қолади. Голибни эл тақдирлайди. Қўли дуога очиб қўтлайди.

Бунчи қарангки, дуо бериб голибни мукофотлаган боболар ҳам шу кун болага айланади, неваралари билан «чиллик», «ошиқ» ўйнайди. Қизиги, неварачилик урса, саксон ёшли нуроний уни олиб келгани лўкиллаб югуради. Ошиқ ўйнаб, авлодларига ютқазаётган боболарнинг: «Биз-ку умрни гоҳ голиб, гоҳида мағлуб бўлиб бўлдим. Ҳой, сизлар ҳеч қачон мағлуб бўлмаганлар!» деган тилағида ҳам эзгу ният, ҳам қатъий талаб балқиб туради.

Шу пайт жажжи болакайнинг варраги учиб кетади. Болаларнинг шодон ҳайқирғидан эл кўзи мусаффо осмонга қадалади. Осмон тўла варрак, йўқ варрак эмас — орзулар, умидлар, эзгу ниятлар! Болаларни шу орзулар улғайтириб боради.

Чиллик ўйнаган боболар чанқайди. Кўпқари чопган «чавандоз»нинг қорни очади. Варраги қўкка парвоз этаётган болакай онасини турткилай бошлайди... Кимдир: «Йиллоши пишдимми? Пешин бўлди-ку!» дея овоз беради.

Таом дастурхонага тортиладиган чоғда бутун қишлоқ — момолардан тортиб ёш келинларга қадар, бетоб ҳам, бемор ҳам шу ерга келади. «Ош каттадан, сув кичикдан», деганларидай, таом ёши улғулардан бошлаб болакайларгача тарқатилади.

Бу одатдаги бир эҳсон оши эмас, балки азал-азалдан кўкламни уйғониш, оламнинг янгиланиш ва яшариш, табиатнинг қайта тугилиш чоғи, ҳаётнинг янги бир мавсуми бошланиш палласи деб билган элнинг аънаанаси. Шунинг учун фарзандталаб киши ҳам, бирор эзгу ишни бошлаётган тадбиркору ишбилармон ҳам, зурриётларининг иқболдан умидвор ота ҳам бундай фурсатни қўлдан бой бермай, эл олдига шошилади.

Қишлоқ оқсоқоли Маҳмуд ака ташаббусни бой бермасдан элни кенгашга

қоладиганларни ичкиликка, ахлоқсизликка ундамаяптиқ, деб, қани, ким айта олади? Эндиги тўйларимизда бундай ҳолатларга асло йўл қўймаслигимиз керак. Бу, аввало, тўй ўтказадиган кишининг фойдаси. Ундан сўнг шу элнинг.

— Ичиш ва чекиш қанчалар зарарли эканини биламиз. «Ўрозқулнинг ўғли ичиш-чекишга ўрганса, менга нима, деб қараб турманг. Унинг ёнига эртага сизнинг болангиз қўшилиши мумкин. Шунинг учун ўғил-қизларимизни дарсдан бўш пайтларида спортга жалб этсак, янада яхши бўлади, — деди Абдурашул муаллим.

— Домла тарбия масаласида яхши гапни айтдингиз, — деб сўз олади Тангриберди пайвандчи. — Одам одамга кўзгу. Биз бажараётган ишларимиз билан ўсмир-ёшларга, қолаверса, бир-биримизга ўрнак бўлишимиз керак. Илгарилари Йилбоши сайлига катта шаҳарлардан машҳур санъаткорларни олиб келардик. Бу сафар эса шу тадбирга масъул бўлган йигитлар бундай йўл тутмади. Улар қишлоққа кириш йўлининг таъмирталаб жойларини тўзатди. Эл учун хайрли ишларни амалга оширди. Қани энди, келгусида ҳам шундай ишларнинг бардавонлигини сақлаб қолсак. Қишлоғимиз янада обод, турмушимиз фаровон бўлади.

Қишлоқдошлар шу тариха бир кенгашиб олишди.

Сайилга келганлар қишлоқ оқсоқоли Султонмурод махсум Қуръон тиловат қилиб, қишлоқ аҳлига ахил-иноқлик, инсончу диёнат, сийҳат-саломатлик, юрт тинчлигига тўқинлигини, бу йилги деҳқончилигига чорчасига, жамийки ҳосилига кут-баракат сўрамагунча жойидан жилмайди.

Доно халқимизнинг: «Эр йигитни эл қўлайди», «Кўпнинг дуоси Изилнинг назарича бор», деган нақллари, эҳтимол, шундай шукўкли кунлар сабаб айтилгандир. Ахил-иноқлик билан бир-бирига маслаҳодшо, ҳамфиқр, суянч ва таянч, қамму қариндош бўлиб келётган Изиллоқ аҳлининг Йилбошисига ҳавас қилган Толмас теғирмончи лоззорликларни Йилбоши ўтказишга, ўз эли билан йил давомида қилинадиган эзгу амаллар юзасидан кенгашишга тараддуд кўра бошлади...

Нурилла ЧОРИЕВ, журналист

Қаشقардёр вилояти

Қишдан зериккан кўнгиллар баҳорга чиқиб олди. Фасаллар алмашишаверади, лекин ҳар баҳорни интиқиб, орзиқиб кутамиз. Осмонда кўёш кўриниши билан шаҳарнинг кўп қаватли уйларида яшовчилар бир дақиқа бўлса-да, ундан баҳра олишни истайди. Бугун эрта тонгдан ташқарида қий-чув бошланди.

— Ҳой, Барноҳон, тезроқ пастга тушмайсизми?

Бу — кўшнимиз Сожида опа. У йўлакда туриб олиб, кўни-кўшниларининг бошини бириктириш ҳаракатида.

— Ҳа, опа, тиғликми ёки ҳашар қиламизми? — деди Барноҳон эринибгина.

— Ҳа, ўргилай! Олдин ҳашар қилиб, ҳамма ёқни то-залаймиз, кейин сумалак пишираемиз! Қани, ҳамма пастга тушсин, кўшнилари-у-у-у...

Нима гап экан, деб деразадан қарасам, яқин-атрофдаги кўшнилари қўлариди супурги билан чиқиб, очиқ майдонни супуришарди. Мен ҳам пастга шошилдим.

Бу манзара беихтиёр қишлоғимизда сумалак пиширган кунларни ёдимга солди. Эсимда, бу маърака худди катта тўйдек тантана билан ўтарди. Бугун қишлоқ бир уйга ёки ҳаво очиқ бўлса, каттароқ майдонга тўпланиб, баҳорнинг бу мўъжизакор таомини ўйин-кулгу билан пиширади.

Бу ерда қандай бўлар экан, деган қизиқиш устун келиб, кўшнилариمنى кутаганман. Бирпасда майдон гавжумлашди. Дам олиш кўни бўлгани учун болалар ҳам, ишлайдиганлар ҳам уйда экан. Бошқа кун ҳатто саломга алик олишга-да овғирниб, бошини қамқиратибгина кўйдан талбирок Наргиза опани шу ерда учраддим. Тўртинчи қаватда яшаса-да, йўлакка гул экиб юрадиган Лена опа болаларга дашном беради. Жуқуқлар сумалакка солинадиган тошларни ювиш билан банд. Ҳар кунни машинасида эрталаб кетиб, кечқурун келадиган банкир амаки хизматда. Унинг басавлат кўринишидан ҳайиқадиган йигитлар

тез-тез қозон-ўчоқни ўрнатишди.

Атроф бўз билан тўсилиб, шинамгина давра ҳосил қилинди. Келинчақлар чор-атрофга сув селиб, супуриб-сидиришди. Кўшнимиз Муборак опанинг турмуш ўртоғи қайсидир ташкилотда уста-дурадгор. Аммо опа неча кундан буён уйдаги хонтахтанинг бир оёғи синганини, тузатишга эрининг вақти бўлмаётганидан нолиганини эшитганман. Шундай «банд» олам бугун даврани тўлдириб стол-стуларни ўрнатишга киришиб кетибди. Унга кимлар ёрдам бераётди дегн, узукун телефонда аллабало мусиқани эшитиб юрадиган, ҳатто кепкаси ерга тушса, кичкина болаларга айтиб олдирадиган олифта йигитчалар. Кўзла-

римга ишонмайман. Ростини пайтгача ҳатто бир-бирларининг исмини ҳам билмайдиган, жуда зарурат туғилганда болаларининг исми билан мувожаат қиладиган

мумий ҳазил ва рақслар барчанинг кайфиятини кўтариб, чарчоғини ёзди.

Эй, бор бўлинг-ей, кўш-нижонлар, дегим келди. Чунки бундай ажайиб кўшнила-

сотмоқчи бўлса, аввало, ён кўшнисининг олдиндан ўтиши керак. Агар у олмаса, шундан кейингина бошқаларга сотиши мумкин. Бу фикрлар бежиз айтилмаган, албатта. Чунки кўшни ўз номи билан «кўш»-«ини» деганидир.

Бир кун қишлоқдан момом меҳмон бўлиб келди. Бироз вақтдан сўнг кўшнилари кўринмайди-ку, қизим, деб қолди. Нима қиласиз уларни десам, меҳмон билан кўришгани чиқмайди, дейди. «Бу ер шаҳар, бекордан-бекорга бирровни биров безовта қилавермайди. Ҳамманинг ўзига яраша иши, ташвиши бор», демоқчи бўлдим-у, индамай қўя қолдим. Момом «Қишлоқдагиларнинг иши йўқми, улар бекорчимиз?» деса, нима дейман? Тўғри, орангизда меннинг кўшнилари бундай эмас, дейдиганлар ҳам кўп. Чунки шундай кўшнилари борки, уларни кўриб опасингил ёки ака-ука деб ўйлайсиз.

Ниҳоят, орзиқиб қутилган, туни билан неча жуфт кўзлар шуъласида қизарган сумалагимиз ҳам тайёр! Ҳар ким ўзига тегишли насибасини олиб бўлганидан кейин қозонлар ювилиб, ўчоқлар бузилди. Ҳамма нараса жой-жойга қўйилиб, худди бир кун аввал қандай бўлса, шу ҳолатга келтирилди. Фақат ўчоқ тагида қолган бир уюм кулгина кунни кеча бу ерда сумалак пиширилганини эслаб турарди.

... Яна баҳор келди. Бу йилги кўкламини мен аввалгидан ҳам интизор бўлиб кутдим. Чунки яна сумалак пишираемиз. Баҳонада эса қадрон кўшнилари билан ўтган йилгидек мириқиб суҳбатлашамиз, янгилари билан танишамиз. Чунки бир йиллик гапларимиз, дардларимиз анча-мунча йиғилиб қолди.

Райҳона ХУҲАЕВА

БИР ЙИЛГА ТАТИГУЛИК КҮН



рим борлигини бугунгача билмасдим-да.

Бир қозондан таом еган кишилар бир-бирига меҳрибон бўлиб, аҳил яшайди, дейишди. Бу гапда қанчалик жон бор-а! Мўъжизандан ўргилай, сумалакқина, дейман ичим-да. Халқимизда қўшничлик анъанаси жуда ҳам қадрланади. Қишлоқларда ҳозир ҳам кимнинг уйига меҳмон келса, шу заҳоти кўни-кўшни хабар олгани чиқади. Яхши-ёмон кунингизда энг аввал, ҳатто қариндошдан ҳам олдинроқ етиб келадиган, кам-кўстингизни тўлдирадиган ён кўшнингиз эмасми? Шунинг учун халқимизда «Гилам сотсанг кўшнингизда сот, бир чеккасида ўзинг ўтирасан» деган ажайиб нақб бор. Бундан ташқари, кимки уйини

аёллар, бир йўлакдан кириб-чиқиб юрса-да, айтилиб саломлашмайдиган кўшни эр-каклар бугун сумалак баҳона худди минг йиллик қадрдон оға-инилар, опа-сингиллардек яқинлашиб кетишди. Сумалак базмига деярли ҳамма кўшнилари чиқишди. Ҳеч ким ҳеч нима демаса ҳам, ҳар ким ўз ишини билиб қилапти. Кечга яқин аёллар уйларида турли пишириқлар олиб чиқди, эр-каклар эса катта қозонда ош дамлади. Давра эса қизигандан қизирди. Болаларни айтмайсизми, уларнинг шодлиги бир олам. Уйин-кулгу, са-

Boqiy an'analar

ҚАРИЯЛАРНИ ЙЎҚЛАШ — САВОБ

Ўқувчилар автобусга чиқиб, устозларини бетоқат кутишарди. Дилфуза эса ҳали унга, ҳали бунга диққат бўлиб, хонасидан чиқа олмасди. Ҳартугул, ҳамкасби — математика фани ўқитувчиси Саодат Тўлаганова болаларга борган жойида ўзини қандай тутиш кераклигини ўргатмоқда. Боласи тушмагурларнинг ичи тўла савол...

Мўлжалланаётган манзил — Олмасор туманида жойлашган республика уруш ва меҳнат фахрийлари пансионатига соат 16га етиб боришлари керак. Болалар ўз уйларида турли пишириқлар олиб келишган, сочқ, атир совун, шампуни, пайпоқ, рўмолча каби зарур буюмларни пакетга солиб олишган. Муаллима Дилфуза Низомова уларнинг савоб ишга шунчалик шошилаётганини кўриб, кўнгли ийиб кетди. Пансионатда яшайдиган нуруний ва мунис отахон-онахонлар кўз ўнгига гавдаланди. Турмуш машаққатларида тобланган, тақдир ва умр йўллари бир-бирдан фарқланадиган бу қариялар эндиликда куч-қувватдан

қолишган. Ким билсин, эҳтимол, ўз фарзандлари ҳам излаб келишар, балки йўқ. Нима бўлганда ҳам, мутлақо нотаниш болалар ўзини йўқлаб келганидан қарияларнинг боши кўкка етса керак.

Пансионат раҳбари Абдуазиз Эшмуродов автобусдан тушиб келаётган 102-мактабнинг «Саховат» клуби аъзоларини хушмуомалалик билан кутиб олди. Мана, уч йилдирки, клуб аъзолари ҳаётда ёлғизланиб қолса-да, давлат гамхўрлигидан баҳраманд бўлаётган қарияларни Наврўз байрами арафасида бирров табриклар кетишади. Уларни бу хайрли ишга ундаётган ўқитувчиларига офарин!

Абдуазиз ака ўқувчиларни бирин-кетин хоналарга тақсимлаб чиқди. Бу маскандан қўним топган қариялар 140 нафар, шундан 3 киши ик-

кинчи жаҳон уруши иштирокчиси, 69 нафари аёллар. Бирорта қария йўқловдан бебаҳра қолмаслиги керак.

Меҳмонлар аввалдан тайёргарлик кўриб келгани боис ичкарига кириб, ўзини қандай тутиш, нима дейиш, совға-саломларини қай тарзда топшириш кераклигини яхши биладилар. Гарчанд қарияларга бу ерда яшаш учун намунали шарт-шароит яратилган бўлса-да, уларга бир оғиз ширин сўз, меҳр қанчалик далда бўлади.

Дарҳақиқат, Наврўз байрамида эътибор қаратиладиган савоб ишлардан бири йўқлашдир. Айниқса, меҳмуруватга муҳтож ёлғиз қариялар, кам таъминланган оилалар ва ногиронларга хайр-саховат кўрсатиш мамлакатимизда қадрият даражасига кўтарилган. Қайд қилганимиздек, пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманида жойлашган 102-умумтаълим мактабида ташкил этилган «Саховат» клуби аъзоларининг қариялар пансионатига бориши ортида ҳам худди шу қадриятнинг бир кўриниши мумкин.

— Тўрт йил муқаддам ўқувчиларимиз Бокўча маҳалласида яшайдиган ёлғиз қарияларни Наврўз байрами билан табриклагани боришарди. Бундай эътибор пансионатда яшовчи кексаларнинг ҳам кўнглини тоғдек кўтаришини инобатга олиб, биз педагоглар 8-синф ўқувчиларига тақлимизини билдирдик. Мақсад ўз-ўзидан маълум: фарзандларимизни савобга ўргатиш, токи улар ота-оналарини қадрлаш, кўнгли ярим кишиларга руҳий ва моддий далда бериш нималигини англаб етсин, — дейди бу ҳақда директорнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Дилфуза Низомова.

Ҳеч қандай шубҳага ўрин йўқки, Наврўз байрами тантаналари давом этаётган шу кунларда бундай эзгу амаллар шаҳару қишлоқларда, маҳалла ва овулларда ҳар кун, ҳар лаҳзада амалга оширилади.

Хулқар ТҲИМАНОВА

Er сайёрасида энг кенг тарқалган унсурлардан бири, шубҳасиз, сув ҳисобланади. Ушбу неъмат сайёраимизнинг учдан икки қисmini қоплаб турувчи сув қобиғи — гидросферани ҳосил қилади. Олимларнинг ҳисоб-китобига кўра, ердаги сувнинг умумий ҳажми тахминан 1400 миллион километр кубни ташкил қилади. Уларнинг фикрича, бу асосан, ичиш учун яроқсиз ҳисобланган океан ва денгизларнинг шўр сувидир. Чучук сув эса бор-йўғи 2,5 фоиздан иборат бўлиб, унинг ҳам катта қисmini Арктика ва Антарктикадаги асрий музликлар ташкил этади.

Сув — тириклик манбаи. Шу сабаб ҳам сув ва ҳаёт сўзлари синоним тарзда қўлланилади. Бундан ташқари, ҳайвонот оламининг ярмидан кўпи сувда кун кечиради. Ана шу жамики тирик мавжудотлар — инсон, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг кун кечириши учун зарур чучук сувларнинг йилдан-йилга тобора камайиб бораётгани ачинарли ҳолатдир.

Ҳозирги кунда сайёраимизнинг бир миллиарддан ортиқ аҳолиси тоза ичимлик суви таъминоти муаммосидан азият чекмоқда. Манбаларда келтирилишича, охириги 40 йил ичида дунё бўйича киши бошига тўғри келадиган чучук сув миқдори 60 фоизга камайиб кетган. Мутахассисларнинг башорат қилишича, вазият шу тахлит давом этадиган бўлса, 2025 йилга бориб, Ер юзидаги ҳар 3 кишидан 2 нафари ичимлик суви танқис ҳудудларда яшаши ва сувсизлик муаммосига дуч келиши мумкин. Сув захираси ҳеч қасрга қўйиб бўлмагани, унинг табиатдаги миқдори ўзгармас ҳолда турибди, дейилади «ФизОрг» манбасида. Аммо сувга саноят ва маиший чиқиндилар қолдиқлари, ҳаёт учун хавфли ва турли захарли кимёвий бирикмаларнинг ташланиши оқибатида «тирик» сувлар истеъмолга яроқсиз, атроф-муҳитга зарар етказадиган «ўлик» ҳолга келмоқда.

СОФ ИҚТИСОД

Бугунги кунда ер ости сувларининг ифлосланиши ҳам соҳа мутахассисларини жиддий хавотирга солмоқда. Сабаби, мавжуд чучук сувнинг 90 фоизи айнан ер остида. Улар асосан қувурлар ва саноят оқовалари, даладарда қўлланилаётган минерал ўғитлар ва пестицидлар натижасида ифлосланади.

Санитария ва ҳўжалик соҳаси, рўзгор эҳтиёжлари учун кўп миқдорда сув талаб этилади. Сув марказлашган тизимдан етарли миқдорда берилган тақдирдагина чиқиндиларни қувурлар ёрдамида оқизиб юбориш мумкин. Аҳоли яшайдиган жойларнинг санитария-гигиеник ҳолати сув билан таъминланиш даражасига қараб белгиланади. Аҳолининг соғлиги ва яшаш шароитларига бевосита ёки билвосита салбий таъсир этишининг олдини олишда сувдаги кимёвий моддаларнинг белгиланган миқдорда бўлиши, унинг илмий асосланган гигиеник меъёрлари муҳим аҳамиятга эга. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, инсонларда учрайдиган айрим касалликларнинг 90 фоизга яқини ичиш учун яроқсиз сувдан фойдаланиш натижасида келиб чиқар экан. Сув сифа-

Томчилаб сугориш деҳқончилигида энг тежамкор усул ҳисобланади. Унда сув барча экин майдонига эмас, балки фақат ҳар бир туپ экин илдининг ривожланиш зонасига юборилади. Соҳа мутахассисларининг таъкидлашича, мазкур технология дуч келган жойга эмас, илмий ўрганилиб, асосланган, сув ресурслари кам ва етказиб берилиши қийин анъанавий сугориш усулларини қўллаш имконсиз бўлган нишаблти катта ва тик ёнбағирларда, қинғир-қийшиқ рельефли участкаларда, сув ўтказувчанлиги юқори бўлган энгил туپроқларда, нам билан кам таъ-

юртимизда сув тежаш технологияларининг ҳуқуқий, ташкилий ва техник асосларини яратиш, уларни ёппасига қўллаш чора-тадбирлари ўз ечимини топмоқда.

ТЕЖАМКОРЛИК ЗАМОН ТАЛАБИ(МИ?)

Катта миқдордаги тоза сувни биз нима учун ишлатаямиз? Албатта, энг оддий кундалик эҳтиёжлар учун. Фақат бу эҳтиёжлар учун сув сарфини кўрсатувчи рақамлар, турган гапки, кўпчи-



22-mart — Xalqaro obihayot kuni

лажақда қандай бўлиши бўйича мутахассислар қуйидаги икки тахминни билдирмоқдалар (энг қизиғи, ҳар иккала тахминда Хитой билан Ҳиндистон омили бор. Айнан шу икки давлат аҳолиси энг кўп бўлиши билан бирга, ривожланиш суръати бўйича ҳам етакчилик қилишмоқда). Таъкидланишича, ҳозирданоқ аҳолиси 10 миллион кишидан ортиқ 22та мегаполиси ичимлик суви таъминоти ва оқова тизимлар муаммосидан азият чекмоқда. Энг мураккаб вазият Хитойда юз берапти. Мамлакатдаги 600 шаҳардан 550таси юқоридаги муаммога озми-кўпми дуч келган. Ҳиндистонда ҳам бу борадаги аҳвол ҳавас қилгудек эмас. Келажакда сув бўлган талабнинг ошиб бориши кишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари, яъни, озиқ-овқат етишмаслиги муаммосини келтириб чиқаради. Бу муаммо инсонларнинг янада кучли табақаланишига олиб келади. Бироқ бу борада ижобий янгиликлар ҳам йўқ эмас. Яқин келажакда Хитой суви қайта ишлаш борасида етакчилиكنи қўлга олиши кутилмоқда. Шунингдек, дунё аҳолиси сув истеъмоли бўйича янги тизимни йўлга қўяди. Ичимлик сувининг таъминоти бутун дунё олимларининг диққат маркази бўлади. Шўр суви чуқуқлаштиришга миллиардлаб инвестиция ажратилади. Илмий башоратларда келтирилишича, нефть саноати ҳозир қанчалик кўп соҳаларни қамраб олган бўлса, келажакда сув таъминоти ҳам катта индустрияга айланади. Сувни чуқуқлаштириш таннархи камайиб боради. Эътиборлиси, уни чуқуқлаштириш учун сарф қилинган 1 доллар 5 доллардан 30 долларгача фойда келтира бошлайди. Суви тежаш ишлатиш бўйича янги гояларнинг амалга ошиши ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан ўзини оқлайди. Натижада сув таъминотини назорат қилиш давлатларнинг асосий вазифаларидан бирига айланиши кутилмоқда. Бу каби фикрлар ҳозирча айрим олимларнинг тахминлари бўлиб туюлгани билан, келажакда ана шундай муаммолар вужудга келмаслигини инкор этиш қийин. Шу боис сувнинг, яъни, ердаги оби-ҳаётнинг бир қатрасини ҳам увол қилмаслик, уни беҳуда сарфламаслик барчамизнинг зиммамиздаги улкан масъулият бўлиб қолмоғи зарур.

ЎзДЖТУ Халқаро журналистика факультети талабаси Дилнавоз Йўлдошева тайёрлади.

СУВ — ТИРИКЛИК МАНБАИ

уни тежаш, қадрига етиш ҳар биримизнинг вазифамиз

тининг ёмонлиги вабо, қорин тифи, салмонелёз, ичбуруғ ва бошқа ошқозон-ичак, вирусли касалликларнинг пайдо бўлиш хавфини оширади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг баёнотида кўра, ҳар бир инсоннинг тоза ичимлик суви бўлган кундалик эҳтиёжини 50 литр миқдорда белгилаш мақсадга мувофиқ. Ер юзиде 2000 йилда умумий аҳолиси 2,1 миллиард кишини ташкил этадиган 61та давлатда эса сув истеъмоли бу меъёрдан кам бўлган. 2050 йилга келиб, давлатларнинг 45 фоизи (яъни, 4,2 миллиард киши) ўз аҳоли-



Чашмалар ўзининг зилол сувлари билан киши чанқоғини қондириб жонга ҳузур бахш этади. Юртимизда мавжуд юзлаб (ҳали қанчадан-қанчаси топилмаган) чашмалар неча асрлардирки инсониятга беминнат хизмат қилиб келмоқда. Биргина булоқ мингглаб маҳаллий аҳолининг эҳтиёжини қондириб келмоқда. Чучук сув таъминоти муаммоси глобаллашиб бораётган бугунги кунда бундай зилол чашмаларни асраб-авайлаш, уларни муҳофиза остига олиш беқиёс аҳамиятга эга.

сини кунига 50 литр сув билан таъминлай олмайдиган даражага етади.

Ҳўш, томчиси тиллога тенг суви тежаш борасида қандай чора-тадбирлар амалга ошириляпти. Айни пайтда кўплаб мамлакатларда кишлоқ ҳўжалиги экинларини сугоришда турли усуллардан фойдаланилмоқда. Ҳар бир минтақа ўз шароитидан келиб чиқиб уларни қўлайди. Бу усулларнинг энг қадимий ва анъанавийси экин майдонларини жўяқлаб сугоришидир. Сув тақчил бўлган йиллари, айниқса, оби-ҳаёт таъминоти тобора ортиб бораётган шароитда экинларни тежамкор усуллар орқали сугориш зарурати туғилади.

минланган ҳудудларда, қатор оралари катта бўлган экинзорларда (боғ ва токзорлар) қўлланилса юқори натижа беради.

Томчилаб сугориш усули ер юзиде ўтган асрнинг 70-йилларидан буён кенг қўлланилаёттир. Аниқланишича, бугунга келиб 1,2 миллион гектардан ортиқ майдон шу усул ёрдамида сугорилади. Ушбу технология айниқса АКШ, Испания, Исроил, Австралия, Италия, Франция, Хитой ва Жанубий Корея каби мамлакатларда кенг тарқалган.

Бугунги кунда Ўзбекистонда ҳам сувдан оқилона фойдаланиш борасида эътиборга молик ишлар амалга оширилмоқда.

Юртимизда сув таъминоти шароитида уни тежаш усуллари, айниқса, томчилаб сугоришга узоқ йиллардан буён эътибор қаратиб келинади. Юқорида таъкидлаганимиздек, АКШ, Исроил ва бошқа бир неча мамлакатлар технологияси тажрибадан ўтказилиб, бу усулнинг ижобий томонлари аниқланган. Мутахассисларнинг фикрича,

ликни ҳайрон қолдиради. Айни дамда бир кунда деярли 300 литр ичимлик сувини ишлатамиз ва унинг фақатгина 2 фоизини зарур эҳтиёжларимиз учун сарфлайми! Бу кўпича ўйламасдан ювиниш ёки қўл ювиш учун жўмракни охиригача очиш туфайли юз беради. Ваҳоланки, одатдагидек 1-1,5 см. эмас, 0,5 см. йўғонликдаги сув оқими бунинг учун етарли бўлади.

Қуйида берилган маслаҳатларни бажариб, ҳар биримиз нафақат чучук сув ресурсларини, балки суви иситиш, уни истеъмолчиларга узатиш, шунингдек, оқова сувларнинг кейинги утилизациясига сарф бўладиган катта куч ва меҳнат, энергияни тежашга ёрдам беришимиз мумкин. Яъни, суви тежаш орқали ёқилги сарфини қисқартиришга ва атроф-муҳитнинг газлар билан ифлосланишини камайитиришга ҳам ўз ҳиссамизни қўшамиз.

Сув ўрнини бошқа ҳеч бир неъмат боса олмайди. Ушбу ҳаётий неъмат Ер юзидаги энг танқис ва ҳисобли манбага айланиб бормоқда. Мазкур муаммо глобаллашиб бораётгани боис, ҳар йили 22 мартни — Бутунжаҳон сув кунини сифатида нишонлаш анъанасига айланган. Умуман олганда, дунё миқёсида ичимлик суви таъминоти ке-


«SAMSUNG GALAXY»ДАН УНИВЕРСАЛ СМАРТФОН

АҚШнинг Нью-Йорк шаҳрида «Samsung» компанияси томонидан янги смартфон намоиши ўтказилди. Бу апрель ойида савдога чиқарилиши режалаштирилган «Galaxy S 4» смартфон.

Янги қурилманинг омма эътиборига икки хил шаклда ҳавола этилиши кутилмоқда. Биринчиси 1,9 ГГц частотали тўрт ядроли «Qualcomm Snapdragon Fusion Pro» процессорига эга бўлса, иккинчиси 1,6-гигагерцли тўртта «Cortex-A15» ядрони бирлаштирган чип ва яна кўшимча тўртта «Cortex-A7» ядро билан таъминланган процессор. Ҳар иккала смартфоннинг оператив хотираси 2 Гб, шунингдек, 16, 32 ёки 64 гигабайт ички хотирага эга.

Смартфоннинг асосий камераси 13 мегапиксел бўлиб, олд томонидаги 2 мегапикселли камера эса «Full HD» форматида секундига 30та кадрни суратга олиши мумкин. Ундаги «Dual Camera» тизими бир вақтнинг ўзida ҳар икки камера билан суратга олиш имкониятини яратди.

«Smart Pause» технологияси киши нигоҳини «кузатиб» боради, диққат бошқа томонга қаратилганда эса томоша қилнаётган видеотасвирлар автомат тарзда тўхтатилади. Шунингдек, «Samsung Opti-Reader» технологияси матн, ташриф қоғози ва бошқаларни овозли «ўқиб» бериши мумкин. «WatchON» тизими эса смартфонни уй кинотеатри, телевизор, DVD ва ҳатто кондиционерни бошқарувчи тўлиқ универсал пультага айлантиради. Смартфон бир вақтнинг ўзida акселерометр (тезликни аниқловчи ускуна), масофа ва ёруғлиқни ўлчовчи сезгир қурилмалар, барометр ва термометрга ҳам эга. Шу билан бирга, смартфон инсоннинг юрак уриши, қон босими, тана ҳарорати ҳақида ҳам атрофlicha маълумот бера олади.



сурати намоиш этилиб, берилган фурсат ичида улардан қандай фойдаланиш мумкинлиги ҳақидаги фикрлар ўрганилди.

Олимларнинг «Cognitive Neuroscience» журналида эълон қилинча, иккинчи ва учинчи гуруҳ иштирокчиларида ўзига хослик, масалага ижодий ёндашув нисбатан кам кузатилган. Бу эса кишининг ижодкорлик, яратувчанлик хусусиятига айна шу ҳудуд масъул эканини билдиради.

ОКЕАН ТУБИДАН ТОПИЛГАН ОРГАНИЗМЛАР

Олимлар ilk мартаба океанлар тубидаги чўкинди ва базальт қатламда яшовчи микроорганизмларни аниқлашга муваффақ бўлишди. Қалинлиги бир неча километрни ташкил этувчи ушбу қатлам қарийб 60 фоиз ҳудудни қамраб олган бўлиб, уларга қуёш нурининг етиб бориши амримаҳол. Ҳўш, бундай тубсиз, зулмат қоплаган жойларда организмлар ниманинг ҳисобига яшайди?

Маълум бўлишича, мазкур микроорганизмлар сувдаги водород ёрдамида карбонат ангидрид газини органик моддаларга айлантиради. Рўй бераётган кимёвий жараён илмий тилда хемосинтез деб аталиб, қуёш нури таъсирида рўй берувчи фотосинтез жараёнидан фарқли равишда, реакциялар кимёвий моддалар иштирокида содир бўлади. Бир қанча мuddат муқаддам Орхусс университети изланувчиси Марк Левер океан тубида намуна олиш мақсадида олти мамлакатнинг геолог, микробиолог олимларидан иборат гуруҳ билан денгиз экспедициясига отланган эди. Гуруҳ аъзолари океан тубидаги чўкиндилар қатламида 265 метр, 3,5 миллион йил муқаддам ҳосил бўлган базальтli пўстлогидан эса 300 метргача бургулаб, намуналар олишди. Олимлар мазкур намуналардан бир қатор микроорганизм генларини аниқлашга муваффақ бўлишган.

Мазкур генларнинг жонли ёки жонсиз микроб турларига мансуб эканини аниқлаш учун намуналар кимёвий моддаларга бой денгиз сувида 65 даражагача қиздирилди. Вақт ўтиб, микроорганизмлар жонланиб, кўпайиб метан ишлаб чиқаришни бошлади.

Мазкур генларнинг жонли ёки жонсиз микроб турларига мансуб эканини аниқлаш учун намуналар кимёвий моддаларга бой денгиз сувида 65 даражагача қиздирилди. Вақт ўтиб, микроорганизмлар жонланиб, кўпайиб метан ишлаб чиқаришни бошлади.

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ – ЮҚОРИ САЛОҲИЯТ

Буюк Британиянинг Лондон Қироллик коллежида ўтказилган тадқиқотлар натижасига кўра, доимий бажариб бориладиган жисмоний машқлар кексаётган чоғда мия фаолиятини яхшилашга хизмат қилади.

Буни аниқлаш учун мутахассислар 11 ёшдан 50 ёшгача бўлган 9 минг нафар кишининг жисмоний ҳолатини тадқиқ қилдилар.

Хотира тести бир-бирига боғлиқ бўлмаган 10та сўзни ёдлашдан иборат эди. Шундан сўнг, ўша пайтнинг ўзida ва бироз вақт ўтгандан кейин берилган сўзлар қай даражада эсда қолганлиги текшириб қўрилди. Ташкилотчилар вазиятни тўғри даҳолаш учун иштирокчиларнинг 1 дақиқа мобайнида жониворларнинг номларини қанча кўп ёдда сақлаши имкониятини синовдан ўтказганлар.

Тест натижасида иштирокчиларнинг болаликдан бошлаб мунтазам жисмоний тарбия билан шуғулланганлари синовдан аъло даражада ўтганини маълум бўлди. Ҳаттоки, 50 ёшли иштирокчилар ҳам ойнага 2-3 марта жисмоний машқлар бажарган бўлса-да, уларнинг ўқиши, диққатни жамлаши, мулоҳаза юритиши ақлий меҳнат билан шуғулланганларникидан анча юқори кўрсаткичга эга эканлиги исботланган. Таърибадан маълум бўлдики, жисмоний машқлар нафақат соғлиқга таъсир қилади, балки мия фаолигини ҳам оширишга кўмаклашади. Тадқиқот натижалари «Psychological Medicine» илмий нашрида батафсил эълон қилинди.

С.РУСТАМОВ, С. СИРОЖИДДИНОВА тайёрлади.



«The Times of India» нашрининг хабар беришича, Ҳиндистоннинг Гоа курорт штатидан Мумбай томон йўл олган автобуснинг 12 метр баландликдаги кўприқдан кулаб тушиши натижасида 37 нафар сайёҳ қурбон бўлган, 17 нафари эса кучли жароҳатланган.

Нигерия шимолидаги Као шаҳрида юз берган ва 25 кишининг умрига зомин бўлган бешта кучли портлашнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш учун ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари ходимлари томондан тергов ишлари бошлаб юборилган, дея хабар тарқатди «Reuters» ахборот агентлиги.

Флорида марказий университети (АҚШ) ётоқхонасидан портловчи моддалар топиладиган боис 500га яқин талаба эвакуация қилинган, таълим муассасасида куннинг иккинчи ярмига белгиланган дарслар эса бекор қилинган.

Франциянинг Марсел шаҳри марказидаги стоматология касалхонасида бир нечта мишжоларни гаровга олган номалум қуролланган шахс воқеа жойига етиб келган полиция ва махсус хизмат вакиллари томонидан етказилган тан жароҳати оқибатида ҳаётдан кўз юмган.

Янги Зеландияда 30 йилдан буён кузатилмаган ҳолат — об-ҳавонинг кескин исиб кетиши натижасида рўй берган кучли қурғоқчилик сут ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш саноатига 820 миллион доллар миқдоридан катта зарар етказган.

«Associated Press» агентлигининг хабар беришича, АҚШнинг Индиана штатида икки ўриндиқли реактив самолёт техник носозлик сабаб қўниш учун иккинчи уринишни амалга ошириш чоғида аҳоли пунктига кулаб тушган ва учта бивого жиддий шикаст етказган.

ЭЛЕКТРОСТИМУЛЯЦИЯ ИЖОДКОРЛИКНИ ОШИРАДИ


Инсон мияси нафақат ахборотларни қабул қилиш, балки уларни филтрлаш хусусиятига ҳам эга. Нейробиологларнинг айтишича, ушбу вазифани қиш миянинг олд пўстлоғи бажариб, асосан унинг чап қисми ахборотларнинг қайси бири муҳимлигини аниқлаб, зарур бўлмаган маълумотларга эътибор қаратмаслигини таъминлайди.

Миянинг ушбу қисми маълумотларни ҳаққоний қабул қилиш вазифасини бажаргани боис, баъзан кишидаги илҳомланиш, ижодкорлик хусусиятларини чеклаши мумкин экан. Албатта, бундай чекловларга қарши психологик таъсирлар ёрдамида курашиш мумкин. Пенсильвания университети (АҚШ) олимлари эса ижодкорликни замонавий нейробиология орқали сунъий равишда ошириш мумкинлигини таъкидламоқда.

Шерон Томсон-Шилл бошчилигидаги олимлар гуруҳи кўнгиллилар ўртасида бош мияга кичик амплитудали (3 мАгача) ток импульсларини юбориш (транс-краниал электростимуляция (ТЭС) орқали бир қанча таърибаларни ўтказиб кўришди.

Таъриба иштирокчилари аввало уч гуруҳга бўлинди. Биринчи гуруҳдагиларга электр импульслар олд мия пўстлоғининг чап қисмига юборилган. Иккинчи гуруҳнинг ўнг тарафига, сўнгги гуруҳ аъзоларига эса плацебо қўлланилган. Ҳар учала гуруҳ яна иккига ажратилиб, биринчисига оддий, қолганларига ижодий ёндашув зарур бўлган вазифалар берилган.

Вазифанинг мазмунини шундан иборатки, ҳар бир иштирокчига бирор буюмдан самаралироқ фойдаланиш йўлларини айтиш талаб қилинган. Бунинг учун 9 сония ичида 60та буюм



ҲАР НАРСАДА МЕЪЁР МУҲИМ

«Ёнгин хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 11-моддасида ёнгин хавфсизлигини таъминлашда фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари алоҳида белгиланган бўлиб, уларнинг ёнгин хавфсизлиги талабларига риоя қилишлари шартлиги кўрсатилган. Афсуски, қонунни билмаслик ёки унга амал қилмаслик оқибатида хонадонларда бир қанча ёнгин содир бўлди. Ўтган давр мобайнида ёнгинга олиб келувчи ҳолатларга йўл қўйилгани учун туман бўйича 512та баённома тузилди ва тегишли ташкилот ҳамда идораларга тақдим этилди. Ёнгин хавфсизлиги қоидаларини бузган шахсларга нисбатан белгилан-

ган жарималар миқдори эса салкам 36 миллион сўмни ташкил этди. Туман ИИБ ЁХБ оқимдлари аҳоли яшаш жойларида бўлиб, хонадонларда газ ва электр қувватидан қонуний фойдаланишни таъминлаш, ёнгинга олиб келувчи ҳатти-ҳаракатларга барҳам бериш мақсадида бир қатор тадбирларни амалга оширишди. Хусусан, ҳудуддаги кўча, мавзе ва маҳаллаларда учрашувлар, давра суҳбатлари ташкил этилиб, «Ёнгин хавфсизлиги тўғрисида»ги қонуннинг мазмун-моҳияти, ундан қўзланган мақсад ва вазифалар ҳақида маъруза қилинди.

А. Тўраев, Миробод тумани ИИБ ЁХБ катта инспектори, сержант

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети маъмурияти ва Касаба уюшма кўмитаси Фалсафа факультети «Этика эстетика» кафедраси ўқитувчиси Атавуллаев Миркомил Аҳмадовичга волидаи муҳтарамаси

ИНОЯТ аянинг вафот этганлиги муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.

Низомий номидаги ТДПУ ректорати, жамоат ташкилотлари, Ўзбек тили ва адабиёти факультети жамоаси «Ўзбек адабиёти» кафедраси доценти Тозагул Матёқубовага отаси

Ражаббой МАТЁҚУБОВнинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор қилади.


«Ўқув таълим таъминот» давлат унитар корхонаси жамоаси Андижон вилояти филиали бошқарувчиси Одилжон Холматовга отаси **Полижон ота ХОЛМАТОВ**нинг вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 23 январдаги ПҚ-573-сонли қарори,
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 20 августдаги 409-сонли
ҳамда 2002 йил 25 январдаги 33-сонли қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида:
Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил
21 ноябрдаги 456-сонли қарори талаблари асосида, 2013-2014 ўқув йилида 1-синфга
борадиган ўқувчилар ва яқка тартибда уйда таълим оладиган болалар учун ўқув
қуроллари ҳамда кам таъминланган оилаларнинг 1—9-синф ўқувчилари учун қишқи иссиқ
кийим-бош тўпламлари харид қилиш учун очиқ ТЕНДЕР савдолари ўтказди.
ТЕНДЕР савдоларида голиб чиққан корхона ва ташкилотлар РЎЙХАТИ

Болалар кurtкаси бўйича:	
1	AL-ARAB SHERZOD MCHJ
2	ALFA BETTA MCHJ
3	ANIKS TEKSTIL MCHJ
4	AYSEL SANOAT SAVDO MCHJ
5	FAYZLI SARDOR XK
6	INSOF SARI BARAKA FAYZ MCHJ
7	ISTAMBUL TEKS MCHJ
8	KALINA LUX MCHJ
9	KASMIR LTD MCHJ
10	KOMETA AND MCHJ
11	MADINABONU BARAKA TIKUVCHI MCHJ
12	OLIS KOINOT MCHJ
13	ROHAT SAVDO SERVIS MCHJ
14	SANOAT KUCHI MCHJ
15	SEZGIN PLYUS MCHJ
16	SHAHRIXON SHUXRATI XK
17	SHOX JAHONGIR MIRZO MCHJ
18	TIKUV SAMARA MCHJ
19	UMIDBAXSH IMKON XK
20	XUSHBAXT ELEGANT XK
21	YANGI ME'ZON MCHJ
22	ZIYOKOR TIKUVCHI ELIT MCHJ
Ўсмирлар кurtкаси бўйича:	
1	AL-ARAB SHERZOD MCHJ
2	ALFA BETTA MCHJ
3	AL-ZAMAXSHARIY MCHJ
4	AND BEGIJON MCHJ
5	AND-DUR XF
6	ANIKS TEKSTIL MCHJ
7	BARKAMOL ME'MOR MCHJ
8	BARKAMOL OMINA LYUKS XK
9	BENET MCHJ
10	DILSHOD MCHJ
11	EZGULIK FAVORASI XK
12	FAYZLI SARDOR XK
13	HAMNAFAS HAMKOR MCHJ
14	INSOF SARI BARAKA FAYZ MCHJ
15	ISTAMBUL TEKS MCHJ
16	LADA TEKSTIL MCHJ
17	LOBAR SAVDO RIVOJ MCHJ
18	MATONAT MXICHK
19	NAZARMAHRAM SAVDO LYUKS XK
20	OLIS KOINOT MCHJ
21	ROHAT SAVDO SERVIS MCHJ
22	SANOAT KUCHI MCHJ
23	SATURN PLYUS UPITER MCHJ
24	SELESTA XICHSF
25	SEZGIN PLYUS MCHJ
26	SHAHRIXON SHUXRATI XK
27	SHOIRA BONU-78 MCHJ
28	UMIDBAXSH IMKON XK
29	UY-MEHNATI MCHJ

30	YANGI ME'ZON MCHJ
31	ZIYOKOR TIKUVCHI ELIT MCHJ
Болалар пойафзали бўйича:	
1	FENIX MOBILE GARANT MCHJ
2	GAVHAR BIZNES RIVOJI MCHJ
3	HIKMAT SAODAT XK
4	IBRAT MCHJ
5	INTER DIONIS INVEST MCHJ
6	INTER GIGANT SERVIS MCHJ
7	KOSONSOY AL-AZIZ LTD MCHJ
8	LIANOR SAVDO MCHJ
9	MADINABONU-FZ XKTICHSF
10	NURAFSHON DARGOH MCHJ
11	ORENA REKON AND MCHJ
12	ROHATBAXSH ME'ZON XK
13	SEUL AND LUX MCHJ
14	SUDAYSI KTICHSF
15	ULUG' SAVDO ELIGANT XK
16	VIP UNIVERSAL XK
17	VODIY LYUKS SERVIS XK
18	WINKLER ICHK
Ўсмирлар пойафзали бўйича:	
1	ELIT DIAMOND XK
2	GAVHAR BIZNES RIVOJI MCHJ
3	HAMID XICHF
4	HAMKOR ELIGANT PLYUS MCHJ
5	IBRAT MCHJ
6	INTER DIONIS INVEST MCHJ
7	INTER GIGANT SERVIS MCHJ
8	IQBOL KTXK
9	LIANOR SAVDO MCHJ
10	NURAFSHON DARGOH MCHJ
11	NUR-RAVSHAN MCHJ
12	ORENA REKON AND MCHJ
13	O'RIKZOR QUVONCHI XK
14	OROM LYUKS XK
15	RT KVART SERVIS MCHJ
16	SADO-2000 KTICHSK
17	SANOAT REAL IMKON MCHJ
18	SAVDO BROKER XK
19	SAYYOR SAVDO LYUKS XK
20	SEUL AND LUX MCHJ
21	SUDAYSI KTICHSF
22	TEKST PLAST MCHJ
23	VIP UNIVERSAL XK
24	WINKLER ICHK
25	WOLF MASTER CLASS MCHJ
Болалар қалпоғи ва қўлқопи бўйича:	
1	ABUZAR-XON XF
2	ASAKALIK SHIRIN KTSICHF
3	DUR-TEX SERVIS MCHJ
4	GEFRES XK
5	NAFIS-TEXTIL MCHJ
6	NURAFSHON LYUKS XK

7	SIBNO MCHJ
8	TIKUVCHILIK SAN'ATI MCHJ
Ўсмирлар қалпоғи ва қўлқопи бўйича:	
1	ABUZAR-XON XF
2	ASAKALIK SHIRIN KTSICHF
3	DUR-TEX SERVIS MCHJ
4	NAFIS-TEXTIL MCHJ
5	NURAFSHON LYUKS XK
6	SIBNO MCHJ
7	TADBIR MCHJ
8	XAZINA GRANT TEX XK
9	XIZMAT GARANT ELIT XK
Ўқувчилар сумкаси бўйича:	
1	ATIRGUL G'UNCHASI ICHSK
2	CHIN ILHOM XICHK
3	CHIN SHARQ MCHJ
4	HUMO-TEKS KTKK
5	INOQ XKTSICHF
6	MADINA-97 MCHJ
7	MRIYA XSICHK
8	ORZU OSIYO-OPTIMA MCHJ
9	ORZU-ATTORLIK MCHJ
10	PARPI OTA KTXF
11	SAG'BON TIKUVCHI ELIT MCHJ
12	SHOX-AKBAR XSICHF
13	TEMUR SALTANATI XF
14	TYAN SHAN SPORT JIXOZLARI MCHJ
15	VISOL NUR ICHK
16	XO'JA OBOD MCHJ
17	XUR FERUZ MCHJ
Ўқув қуроллари бўйича:	
ДАФТАР	
1	DAFTAR INVEST SHK
2	ARENA INTERNATIONAL MCHJ QK
ПЕНАЛ	
1	AYSEL SANOAT SAVDO MCHJ
ПЛАСТИЛИН	
1	PAPER IMPEX MCHJ
РАНГЛИ ҚАЛАМ	
1	VIVETA MEBEL SAVDO MCHJ
ЎЧИРҒИЧ-ЛАСТИК	
1	VIP UNIVERSAL XK
РАНГЛИ ҚОФОЗ	
1	SANO STANDART MCHJ
РАСМ ДАФТАРИ	
1	DAFTAR INVEST SHK
ОДДИЙ ҚАЛАМ	
1	VIP UNIVERSAL XK
РУЧКА	
1	OZIQ-OVQAT SAVDO MCHJ
ЕЛИМ-КЛЕЙ	
1	PAPER IMPEX MCHJ
АКВАРЕЛЬ БЎЁФИ	
1	PAPER IMPEX MCHJ



«Universiada — 2013»

Спорт — саломатлик гарови. Уни ҳаётида доимий ҳамроҳга айлантирган киши эса, ҳам маънан, ҳам жисмонан камолга етиб бораверади. Қачондир ўзи шогирд бўлиб, мутахассислардан спорт сирларини пухта ўрганиб, мутахассис мақомига эришган инсоннинг бугун устоз бўлиб, азалий занжирда иштирок этиши ҳар жиҳатдан эътиборлидир.

Республика тоифасидаги ҳакам, таниқли мураббий Илбос Ниёзов ҳам ана шундай мутахассислардан бири. У айна пайтда Муқимий номидаги Қўқон давлат педагогика институтида ишлаётган. Устоз мураббий билан бу йил Бухорода ўтказиладиган «Universiada-2013» спорт ўйинларига шогирдларининг тайёргарлиги ҳамда ёшларнинг бугунги интилишлари, орзу-ўйлари ҳусусида суҳбатлашдик.

ана шу бедорлик талаби юзасидан яратилган.

«Олимпия спорт ўйинлари»дан ташқари, «Енгил атлетика» ва «Спорт майдонлари» деб номланган китобларим ҳам чоп этилган. Енгил атлетикани спорт турларининг қироллиги ўхшатилади. Бугун қай бир замонавий спорт турига боқманг, унинг негизида енгил атлетика ётади. Бу эса муайян услубий қўлланма яратишга бел боғлаган мутахассис учун катта масъулият юклайди. Шунинг учун, ҳозир бор эътиборимни спорт майдонидан шогирд-

Юртдошларимизнинг спорт билан шугулланиб, ўз саломатлигини мустаҳкамлашига заррача ҳиссамиз қўшилаётганидан хурсанд бўламиз.

— Мустақилликка эришилгач бутун дунё юртимиздан ҳақиқий юксак салоҳият эгалари етишиб чиққанлиги ва чиқаётганлиги га гувоҳ бўлмоқда. Бу жараён, айниқса, спорт соҳасида тез кўзга ташланмоқда. Шу bois, бугун олимлар, санъаткорлар, ижодкорлар, ўқитувчилар сулуласи каторига спортчилар

ГУЛРУХБЕГИМ 9 ҲАДАДА 9 ҲАДАДА ЭРИШДИ!

Наврўз байрами арафасида 14 ёшга-ча бўлган ўғил болалар ва қизлар ўртасида республика чемпионати якунига етди.

Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардан 53 нафар иқтидорли ёш шахматчилар иштирок этган ўғил болалар ўртасидаги баҳсларда ғолиблик тошкентлик спортчи Ортиқ Ниғматовга насиб этди. У швейцарча тизимда бўлиб ўтган мусобақада 9 имкониятдан 7,5 очко жамғарди. Хоразмлик шахматчи Нодирбек Ёқуббоев ҳам шунча очко тўплаган бўлса-да, қўшимча кўрсаткичларга кўра иккинчи ўринга тушди. Бронза медали 7 очко тўплаган тошкентлик 9 ёшли иқтидорли шахматчи Нодирбек Абдусатторовга насиб қилди.

Қизлар ўртасидаги баҳсларда фарғоналик машҳур опа-сингил шахматчиларнинг кенжаси Гулрухбегим Тоҳиржонова рақибларининг ҳеч берига имконият қолдирмади — 9 имкониятдан 9 очко! Тошкентлик Дина Абдул Мажид кумуш (7 очко), Баҳора Абдусатторова бронза (6,5 очко) медалига сазовор бўлди.



ТАЙЁРГАРЛИК ҲАМ БИР МУСОБАҚА

— Илбос ака, инсти-тутингиз жамоаси, қолаверса, шогирдларингизнинг Универсиада спорт ўйинларига ҳозирлиги қандай кечмоқда? Мутахассис сифатида тайёргарликлардан кўнглингиз тўлаяптими?

— Юртимизда камолга етаётган талаба-ёшлар учун энг нуфузли мусобақа — Универсиада ўйинларида иштирок этишининг ўзи катта ютуқ ҳисобланади. Чунки беллашувлар баҳонасида иқтидорли, кучли спортчилар авлоди бир жойга жамланади. Универсиадада бир-бирига рақиб бўлган спортчилар ана Ватанимиз шаънини халқаро майдонларда бир жамоа бўлиб ҳимоя қилади. Бизнинг Қўқон давлат педагогика институтида ҳам талаба-спортчиларнинг мазкур мусобақаларга муносиб тайёргарлик кўриши учун шароитлар яратилган.

Биласизми, мусобақага ҳозирлик кўришининг ўзи — бир мусобақа. 25—28 февраль кунлари Тошкент шаҳрида енгил атлетика бўйича Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди. Олдинда яна бир қатор турли даражадаги турнирлар бор. Табиийки, мазкур жараён Универсиада ўйинларига спортчи ёшларнинг ўз маҳоратларини оширишлари, хато ва камчиликларини устидан ишлашлари учун имконият. Асосий машғулотларимиз пойтахтимиздаги Республика олимпия захиралари спорт коллежи ҳамда институт спорт майдонларида ўтказилмоқда. Уйлайманки, саъй-ҳаракатларимиз ўз мақсулини беради.

— Спортда башоратлар доим ҳам ўзини оқлайвермайди, бироқ кўпни кўрган, тажрибали мутахассис сифатида Бухородан қайси шогирдларингизнинг медал билан қайтиш имконияти юқори, деб ўйлайсиз?

— Спортда руҳият ва куч мутаносиблиги деган тушунча бор. Бу эса ҳар кун спортчининг ўз ҳаракатларини оптималлаштириб боришини тақозо эта-



ди. Дарҳақиқат, мураббий ҳар қандай ҳолатда шогирдларидан фаоллик кутади ва шунинг учун ҳам бундай йирик мусобақаларда уларга ишонч билдиради. Бугунги кунда қисқа масофаларга тез югуриш бўйича республикамизнинг кучли атлетларидан бирига айланган шогирдим Достон Сайдалиевдан умидим катта. У мусобақаларда ўз имконияти даражасида қатнашолса, 100 ва 200 метрга югуриш бўйича совринли ўринларни олишига ишонман. Чунки яқинда енгил атлетика бўйича Ўзбекистон чемпионида Достон 2та олтин медални кўлга киритди. Қолаверса, ядро улоқтириш баҳсларида Нуриддин Рўзमतов ва Зилола Аллаёрова ҳам совринли ўринларга даъвогарлик қилади.

— «Олимпия спорт ўйинлари» деб номланган услубий қўлланмангиз ақлақачон ўз ўқувчиларини тоған. Спорт қозонида қайнаб, билим ва тажрибага эга, етуқ мутахассиснинг қўлига қалам олиб, китоб ёзиши яхши аъна.

— Кўпича ўйлаб қоламан. Яхши мураббий бўлиш учун нима қилиш керак? Фақат мавжуд билим ва кўникма билан кучли шогирд тарбиялаб бўлмас, эҳтимом. Бугунги шиддаткор даврда мураббий ҳар кун илганиши, ўз устидан ишлаши керак. Баҳоли қудрат ёзган услубий қўлланмаларим ҳам

ларимнинг амалий ва назарий билимларини бой-атиштига қаратаман. Тўғри, янги қўлланмага аризулик мавзулар кўп, аммо китоб устидан ишлаш учун улкан ижодий ва жисмоний қувват керак...

— Бундан бир неча йил илгари Дангара туманида спорт майдони қурилишига ташаббускорлик кўрсатганингиздан хабаримиз бор. Унинг бугунги аҳоли, фаолияти қандай?

— Фидойи педагог Раҳмонжон Қўрбонов билан бирга тумандаги 18-макталхулуида 100х70 метр ўлчамда стадион учун жой ажратиб ишни бошладик. Аввалига айримлар бу ишнинг амалга ошишига ишониммади, «Ерми увол қиласизлар», ҳам дейишди. Ҳашар йўли билан ўйингоҳ битказилгач, болаларининг мана шу ерда бўш вақтини мазмунли ўтказиётганини кўриб, улар янглишиганини тан олинди. Даврининг ўзи талаб қилаётган, Юртбошимиз томонидан спортни ривожлантиришга ғамқўрлик кўрсатилган ва қўлаб-қувватланаётган бир пайтда четдан қараб турмасдан саъй-ҳаракат қилиш, албатта, ўз самарасини беради. Бугун у ерда шогирдим Ҳаётхон Авазов бошчилигида аҳолини, айниқса, ёшларни оммавий спорт билан шугулланишга кенг жалб этиш мақсадида қўлаб ишлар қилинмоқда.

Муҳими, ҳачон борсам, стадион турли ёшдаги одамлар билан гавжум.

оиласи, деган атама ҳам қўшилди.

— Албатта, бугун юртимизнинг ҳар бурчагида педагоглар, спортчилар оиласини қўлаб уchrатиш мумкин. Аввало, ўзим ҳам зиёлилар оиласида туғилганман. Отам ҳам, онам ҳам ўқитувчи бўлишган. Шу bois азалдан оиламизда спортга саломатлики мустаҳкамловчи энг ишончли «малҳам» сифатида қаралган. Бунга ўз оиламда ҳам давом эттирдим. Рафиқам, тарих фани ўқитувчиси Салима Ниёзова билан уч нафар фарзандим воёга етказдик. Қизларим ҳам, ўғлим ҳам педагог. Уларга болалигиданоқ ўзим мураббийлик қилиб, енгил атлетика билан шугуллантирдим. Маълумки, оилавий тарзда спорт билан шугулланиш-учун энг маъқули, шубҳасиз — енгил атлетика. Айниқса, ўғлим Лазизжон «Умид нихоллари» ҳамда Универсиадада спорт мусобақаларида қатнашиб, бир неча марта совриндор бўлган. Айни пайтда жисмоний тарбия фани ўқитувчиси.

Оилада ўзаро ҳурмат, дўстона муносабат ҳукмрон бўлса, кайфият аъло бўлади. Тетик руҳ эса кишига қанот бағишлаб, саломатлигига ҳам ижобий таъсир этади. Шу bois, спорт билан оилавий тарзда шугулланаётган ҳам о р т л а р и м и з н и кўрсам, қувонаман. Уларга спорт доимий ҳамроҳингиз бўлсин, дейман.

Зоҳиджон ХОЛОВ суҳбатлашди.

ДЎСТЛИК ҲАДАБА ҚОЗОНДИ

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири ташаббуси билан давлат педагогика институтлари талабалари ўртасида мини-футбол бўйича мусобақалар ўтказилди. Ана шундай байрамона беллашувлардан бири Жиззах давлат педагогика институтида ҳам бўлиб ўтди.

Мазкур таълим муассасасида мунтазам машғулот ўтказиш ҳамда мусобақалар уюштириш учун ёпиқ спорт зали ва стадион ёшлар ихтиёрига берилган.

Мини-футбол бўйича ўтказилган турнирда ўнча жамоа ғолиблик учун мусобақага киришди. Жисмоний маданият факультети спорт зали икки кун давомида ишқибозлар билан тўлди. Турнирнинг тантанали очилишидан сўнг, мурасасиз беллашувларга старт берилди. Унда тарих, хоржикий тиллар, математика, ўзбек филологияси, жисмоний маданият факультетлари жамоалари ўзаро куч синашди.

Яқинда бирорта учрашувда мағлубиятга учрамаган жисмоний маданият факультети йигитлари фахрли 1-ўринни эгаллади. Математика факультети жамоасига эса 2-ўрин насиб этди. Кучли учликни хоржикий тиллар факультети футболчилари тўлдиришди. Уларга мутасаддиларнинг диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

— Наврўз арафасида ўтказилган мазкур турнир чинакам спорт байрамига айланиб кетди, — дейди турнир ғолиблиридан бири, жисмоний маданият факультети талабаси Дилшод Файзиев. — Мусобақада тенгдошларимиз билан ўзаро дўстлик алоқаларини ҳам мустаҳкамлашга имкон туғилди. Бу барчамизнинг ютуғимиз аслида. Ана шундай бир-дамлик, аҳдлик йил давомида ҳеч биримизни тарк этмасин.

Жиззах вилояти

А.СОДИҚОВ

2003 йили ТДИУ қошидаги аниқ фанларга иختисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби томонидан Латифов Бобир Бахтиёрович номига берилган У № 0589143 рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.




«SHARQ» NASHRIYOT-MATBA'A AKSIYADORLIK kompaniyasi



Мухтарам юртошлар!
Халқимизнинг азалий қадрияти —
НАВРЎЗ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИ
барчангизга муबारак бўлсин!

Наврўзда меҳр-мурувват, бағрикенглик, сахийлик каби етук инсоний фазилатлар уйғунлашган. У уйғониш ва яшариш фаслининг бошланиши. Халқимиз ризқи тупроққа дон-дун бўлиб сочилажак куннинг дебочасидир. Шу боис ҳам унинг таоми сумалак айнан шу кунларда дастурхонимиз кўркига айланади. Барчага наврўзий хушчақчақлик, абадий қалб гўзаллиги, Ватанимизни гуллаб-яшнатиш йўлида улкан зафарлар тилаймиз!

ТЎВ КУНАЛАР



СОТУВА!

«SHARQ ZIYOKORI»

Мурожаат учун телефонлар:
(+99 895) 177-2014; (+99 871) 233-3590; (+99 871) 233-5872
web sayt: www.sharq.uz

УШБУ КИТОБЛАРНИ «SHARQ ZIYOKORI» КИТОБЛАР МАРКАЗИНИНГ МАРКАЗИЙ КАМДА ВИЛОЯТЛАРДАГИ ДЎКОНЛАРИДАН СЎРАНИ!

Андижон шаҳри: Фитрат кўчаси, 245-савдо мажмуаси, 2-қатор, 40-дўкон.	8 374 224-3291; +998 (95) 200-8644; +998 (95) 200-4803; +998 (91) 483-1167	Фаргона шаҳри: К. Додхоҳ кўчаси, 2-уй.	+998 (95) 400-4468; +998 (91) 666-0077
Бухоро шаҳри: Муҳаммад Иқбол кўчаси, 11-уй. Мўлжал: Бухоро Давлат университети ёнида.	8 365 223-7596; +998 (93) 620-2333	Марийон шаҳри: Мустақиллик кўчаси.	8 373 233-3683; +998 (98) 576-5509
Жиззах шаҳри: Шароф Рашидов кўчаси, 1-уй.	8 372 226-4293; +998 (90) 538-1600	Гулстан шаҳри: Мустақиллик кўчаси, 81-уй.	8 367 225-1299; +998 (90) 509-7252
Навоий шаҳри: Ўзбекистон кўчаси, 14-уй. Мўлжал: Вилоят Суду ёнида.	8 436 223-0130; +998 (95) 603-4513; +998 (90) 730-1234; +998 (90) 717-8608	Термиз шаҳри: Ат-Термизий кўчаси, 1-уй.	8 376 223-1104; +998 (93) 636-6868; +998 (93) 638-3858
Наманган шаҳри: Навоий кўчаси, 36-уй. Мўлжал: Наманган шаҳар Солиқ инспекцияси, «Фарход» супермаркети, «Сардоба» бозори ёнида.	8 369 226-4964; +998 (93) 494-6873	Қарши шаҳри: Ўзбекистон кўчаси, Марказий универмаг ёнида.	8 375 225-3279; +998 (98) 776-4101; +998 (98) 275-4101
Нукус шаҳри: Дўстлик гузары кўчаси, Амфитеатр.	8 361 222-8661; 8 361 222-3239; +998 (93) 614-3032; +998 (93) 489-2522	Ташкент шаҳри: «Ўрда», Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 16-уй.	8 371 241-2590; +998 (94) 698-7979; +998 (90) 982-6941
Самарқанд шаҳри: Университет хиббони, 15-уй. Мўлжал: СамДУ Геология факультети ОРАКМ, Мустақиллик кўчаси, 48-уй.	8 366 233-2368; 8 366 230-1468; +998 (90) 224-2954; 8 366 233-1763; 8 366 390-1763	Бойнамол кўчаси, 8-уй.	8 371 234-6085; +998 (91) 163-6018; +998 (95) 177-2013
Хива шаҳри: «Ичан қалъа» Давлат кўрғиначиси.	8 362 375-4308; 8 362 375-6928; +998 (91) 431-5787; +998 (91) 917-6960	«Фарход», Учтепа тумани,	+998 (93) 002-1175
		«Беруний», Шайхонтоҳур тумани,	
		Беруний кўчаси, 12-уй.	8 371 296-0826; +998 (90) 958-8239
		«Авнасозлар», Ҳамза тумани, Исмоилов кўчаси, 22-уй.	
		Ташкент Давлат педагогика университети	
		«Миллий кутубхона»,	
		Юнусобод тумани, Навоий кўчаси, 1-уй.	+998 (93) 394-8988

Ma'rifat

TA'SIS ETUVCHILAR:

Ўзбекистон Халқ та'лими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва о'rta maxsus ta'lim вазирлиги, Ўзбекистон Та'лим, fan va madaniyat xodimlari kasaba uyushmasi Markaziy Kengashi.

Bosh muharrir:
Abdusamat RAHIMOV

Tahrir hay'ati: Madamin ARIPJANOV, Jumanazar BEK-NAZAROV, Vaxtiyor DONIYOROV, Farrux JABBOROV (bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Vaxtiyor YOQUBOV (mas'ul kotib), Mahmuda MURZAYEVA, Husan NISHONOV (bosh muharrir o'rinbosari), Nurlan USMONOV (bosh muharrir o'rinbosari, "Учитель Узбекистана"), "Учитель Узбекистана"), Sa'dulla HAKIMOV.

Gazeta
O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida № 0067 raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-6416

9 772 010 641 009

INDEKS: 149, 150, Г-318. Tiraj 65148. Hajmi 4 bosma taboq. Ofset usulida bosilgan, qog'oz bichimi A-3.

«Ma'rifat»dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirish shart. Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqir: qilinmaydi va muallifga qaytarilmaydi.

Reklama materiallari uchun tahririyat javobgar emas.

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32.

Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib—233-99-15, umumiy o'rta va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-53-16, fan, oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi yangiliklari bo'limi — 236-54-03, adabiyot, madaniyat, kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo'limi — 236-54-69, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-54-23, siyosat, xalqaro hayot va sport yangiliklari bo'limi — 236-55-58, reklama va marketing bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda erkin narxda

Dizaynerlar: Malohat TOSHOVA, Liliya BINASHEVA.

Navbatchi muharrir: Abror UMARQULOV.

Navbatchi: Jo'rabek JANGIROV.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksionerlik kompaniyasi bosmaxonasi.

Korxonaning manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy

U'stavi a'zosi — 21.10
Topshirildi — 21.25